

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

8-сон
(872)
2019 йил
25 февраль

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

128. «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограммалар бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралдаги ЎРҚ–519-сон Қонуни
129. «Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралдаги ЎРҚ–520-сон Қонуни
130. «Уруғчилик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 февралдаги ЎРҚ–521-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

131. «Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПФ–5666-сон Фармони

132. «Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги ПФ–5667-сон Фармони
133. «Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 февралдаги ПҚ–4194-сон қарори
134. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 февралдаги ПҚ–4197-сон қарори
135. «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ–4198-сон қарори
136. «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ–4199-сон қарори
137. «Обод қишлоқ» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 февралдаги ПҚ–4201-сон қарори
138. «Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги ПҚ–4204-сон қарори

Бешинчи бўлим

139. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 2-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137*)
140. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 1-мх-сон «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2362-1*)
141. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 20 февралдаги

65-мх-сон «Идоравий норматив-хуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-7*)

142. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-17*)
143. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 18 февралдаги 343-В-3, 6-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-3*)
144. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 25 январдаги 68-сон «Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3138*)
145. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 18 февралдаги 41-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-1*)
146. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 13/ЮБ-1-сон «Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2013-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-хуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 16 февралдан 22 февралгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

128 Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг иж-
ролар ва фонограммалар бўйича шартномасига (Же-
нева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг
қўшилиши тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг ижролар ва фонограм-
малар бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
ЎРҚ-519-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 фев-
ралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

129 Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 30 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича шартномасига (Женева, 1996 йил 20 декабрь) қўшилисин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
ЎРҚ-520-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

130 Уруғчилик тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 8 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 13 декабрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади уруғчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

* Ушбу қонунлар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 февралда эълон қилинган.

2-модда. Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

апробация — ўсимликларнинг генетик (нав) жиҳатдан софлигини, зараркунандалар билан зарарланган-зарарланмаганлигини, касалликларга чалинган-чалинмаганлигини ва экиш учун мўлжалланган уруғликларнинг умумий ҳолатини аниқлаш учун далада ўтказиладиган текширув;

дурагай уруғликлар — ирсияти ҳар хил навлар, турлар ва туркумдошларни чатиштиришдан олинган уруғликлар;

оригинал уруғликлар — нав муаллифи ёки у ваколат берган шахс томонидан етиштирилган ва кейинчалик кўпайтириш учун мўлжалланган уруғликлар;

патент эгаси (лицензиар) — селекция навига ва (ёки) дурагай уруғликларга бўлган мулк ҳуқуқини олган юридик ёки жисмоний шахс;

популяция — бир хил тупроқ-иклим шароитида тарқалган ва бир турга мансуб бўлган, эркин чатишадиган (ирсий жиҳатдан бир-биридан фарқланадиган) ўсимликлар мажмуи;

репродукцион уруғликлар — элита уруғликлардан олинладиган кейинги авлод уруғликлари;

уруғликлар — экиш учун фойдаланиладиган уруғлар, мевалар, ўсимликнинг вегетатив йўл билан кўпайтириладиган қисмлари;

уруғликларнинг генетик (нав) сифати — муайян нав уруғлигининг генетик жиҳатдан софлигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

уруғликларнинг экинбоплик сифати — уруғликларнинг экиш учун яроқлилигини тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи;

уруғликлар туркуми — келиб чиқиши ва сифати бўйича бир хил бўлган уруғликларнинг муайян миқдори;

уруғчилик — уруғликларни етиштириш, сақлаш, реализация қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, шунингдек уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларини аниқлаш бўйича ўтказиладиган тадбирлар билан боғлиқ бўлган фаолият;

элита уруғликлар — оригинал уруғликларни изчил кўпайтириш йўли билан олинган уруғликлар.

4-модда. Уруғликларнинг тоифалари

Қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини такрор кўпайтириш босқичларига қараб, уруғликларнинг қуйидаги тоифалари белгиланади: оригинал;

элита;
репродукцион.

5-модда. Уруғчилик объектлари

Уруғчилик объектлари жумласига қуйидагилар киради:

нав;
дурагай;
популяция;
уруғликлар;
уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорлари.

6-модда. Уруғчилик субъектлари

Уруғчилик субъектлари жумласига қуйидагилар киради:

навнинг муаллифи;
уруғлик етиштирувчи;
уруғликларни реализация қилувчи;
уруғликларнинг истеъмолчиси (уруғликлардан фойдаланувчи);
уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларини аниқлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи ташкилот.

7-модда. Уруғчилик субъектларининг ҳуқуқлари

Уруғчилик субъектлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

уруғчилик соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этиш;
селекция ютуқларидан фойдаланиш;
уруғликларнинг кўргазма-савдоларида (кимошди савдоларида) иштирок этиш;
ўз фаолиятида инновацион технологиялардан фойдаланиш ва илм-фан ютуқларини жорий этиш;
уруғлик етиштириш бўйича ресурсларни тежовчи технологияларни қўллаш.

8-модда. Уруғчилик субъектларининг мажбуриятлари

Уруғчилик субъектлари:

уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган майдонларнинг даврий апробациядан ўтказилишини таъминлаши;

ваколатли орган томонидан тасдиқланган уруғликларни етиштириш схемаларининг технологик талабларига, уларни сақлаш ҳамда реализация қилиш қоидаларига риоя этиши, шунингдек уруғликларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан сақланишини таъминлаши;

уруғликларни реализация қилишда уруғлик туркумига берилган мувофиқлик сертификатини, шунингдек дурагайлар ва навларнинг тавсифларини уруғликларнинг истеъмолчиларига (уруғликлардан фойдаланувчиларга) тақдим этиши;

ваколатли органлар билан уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган майдонларни апробациядан ўтказиши шарт.

Уруғлик етиштирувчилар, уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларини аниқлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳар бир уруғлик туркумининг генетик (нав) ва экинбоплик сифатлари бўйича тўлиқ ҳисобини юритиши шарт.

2-боб. Уруғчилик соҳасини давлат томонидан тартибга солиш

9-модда. Уруғчилик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Уруғчилик соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, инфратузилмани ва сервис хизматларини ривожлантириш;

илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва фаолиятнинг замонавий шакллари жорий этиш;

уруғлик етиштиришда генетик (нав) сифат кўрсаткичларини сақлаб қолиш;

уруғликларни кўпайтиришнинг ва уруғликлар истеъмолчиларини (уруғликлардан фойдаланувчиларни) уруғликлар билан таъминлашнинг самарали тизимини яратиш;

уруғчилик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш ва уруғлик етиштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

уруғчилик соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

10-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

уруғчилик соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

уруғчилик соҳасидаги давлат дастурларини тасдиқлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

уруғчилик соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг уруғчилик соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлигининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги:

қишлоқ ҳўжалиги экинлари уруғчилиги соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ ҳўжалиги экинларининг давлат реестрини юритади;

уруғчилик соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларининг навларини синашга доир ишларни мувофиқлаштиради;

пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини олиб чиқиш учун хулоса беради;

қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғликларини етиштириш ҳажмларига доир мақсадли прогноз кўрсаткичларни ишлаб чиқади;

уруғлик экинларини жойлаштириш учун уруғчилик хўжаликларини аниқлашда иштирок этади;

уруғлик экинларини апробациядан ўтказишда иштирок этади.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

ўрмон хўжалиги экинлари уруғчилиги соҳасида давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

манзарали ўсимликларнинг уруғликларини сертификатлаштириш ва стандартлаштиришнинг ягона тизимини яратади;

ўрмон хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштириш учун фойдаланиладиган майдонларни апробациядан ўтказиш тартибини ишлаб чиқади;

ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг нав ва экинбоплик сифатларини аниқлайди;

ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг сифатини аниқлаш услубларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларининг генетик (нав) ва уруғ назоратини, лаборатория синовларини, сифати экспертиза қилинишини амалга оширишга доир қоидаларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

ўз ваколатлари доирасида ўрмон хўжалиги экинлари уруғчилиги бўйича халқаро ҳамкорликни амалга оширади.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази:

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини, шу жумладан пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантиради;

махаллий ва хорижий селекция навларининг, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этади ҳамда ривожлантиради;

уруғлик етиштирувчиларнинг реестрини шакллантиради ва юритади;

қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғликларини тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича норматив талабларни халқаро стандартларга ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқади;

уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-экспериментал тадқиқотлар ўтказишга, ушбу соҳа корхоналарининг илмий салоҳияти ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қўмаклашади;

уруғчилик бўйича халқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади, уруғликларга экишдан олдин ишлов беришга ҳамда уларни қайта ишлашга оид инновацион технологияларни, ушбу соҳадаги ноу-хауларни жорий этади;

ўз расмий веб-сайтида маҳаллий ва чет элдан келтирилган уруғликлар, уларнинг навлари, гибридлари, тоифалари, уларни етиштириш ҳажмлари ҳақидаги, шунингдек уруғликларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

14-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

уруғчилик соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

уруғчилик соҳасидаги ҳудудий дастурларни тасдиқлайди ва амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг уруғчилик соҳасида тадбирлар ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради;

суғурта уруғлик фондини ташкил этиш учун уруғчилик хўжаликларини аниқлайди;

уруғлик экинларини жойлаштириш учун уруғчилик хўжаликларини аниқлаш бўйича комиссия тузади.

15-модда. Уруғликларни сертификатлаштириш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат органи

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари уруғликларни сертификатлаштириш ва уларнинг сифатини назорат қилиш бўйича давлат органидир.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекциясининг уруғчилик соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси қуйидагилар устидан назоратни амалга оширади:

пахта чигитининг ва бошоқли дон экинлари уруғликларининг сифати;

қишлоқ хўжалиги экинлари навларининг генетик софлиги ва ушбу экинлар уруғликларининг сифати соҳасидаги давлат сиёсатининг ижроси, қишлоқ хўжалиги экинлари навларини жойлаштириш, районлаштириш ҳамда навли уруғликларини тайёрлаш режаларининг бажарилиши;

оригинал, элита ва репродукцион уруғликларнинг етиштирилиши, уларнинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этган ҳолда тежаб сарфланиши;

қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлик экинлари апробацияси тўғри ўтказилиши;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари маҳаллий ва хорижий селекция навларининг, шу жумладан биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ҳамда ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги экинларининг экиладиган уруғликларини тайёрлаш, қайта ишлаш ҳамда сақлаш бўйича норматив талабларнинг халқаро стандартлар ва техник регламентларга мувофиқ ишлаб чиқилиши;

қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича уруғликлар архивининг таркиби ва уруғликлар архивларининг юритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси сертификатлаштирилмаган ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермайдиган уруғликларнинг тарқатилишини тақиқлайди.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органлари ходимларининг ҳуқуқлари

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси органларининг ходимлари ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

уруғликларнинг сифат кўрсаткичлари тўғрилигини ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш мақсадида зарур таҳлиллар ўтказиш учун уруғликларнинг намуналарини танлаб олиш;

уруғликларнинг муҳофаза қилинадиган навларидан қонунга зид равишда фойдаланилишини тақиқлаш;

хар қандай уруғлик етиштирувчининг, уруғликларни реализация қилувчининг ва уруғликлар истеъмолчисининг (уруғликлардан фойдаланувчининг) ҳудудига кириш;

уруғчилик далаларига ҳамда уруғликларнинг туркумларига доир зарур ахборот, ҳужжатлар ва намуналарни олиш;

уруғликларни қонун ҳужжатларини бузган ҳолда етиштиришни, сақлашни, реализация қилишни тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш;

мувофиқлик сертификати ва фитосанитария сертификати ёки карантин рухсатномаси мавжуд бўлмаган уруғликлар туркумларининг ташилишини тақиқлаш;

мувофиқлик сертификати, фитосанитария сертификати ёки карантин рухсатномаси мавжуд бўлмаган уруғликларнинг Ўзбекистон Республикасига олиб кирилишига йўл қўймаслик;

қишлоқ хўжалиги экинларининг навларини янгилаш ва жойлаштириш тартибини бузганлик учун хўжаликлар раҳбарлари ҳамда бошқа масъул шахсларга нисбатан чоралар белгилаш.

3-боб. Уруғчилик соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш

18-модда. Уруғликларнинг генетик (нав) сифатини аниқлаш

Уруғликларнинг генетик (нав) сифати уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси, тупроғини баҳолаш, уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синовлари натижалари бўйича аниқланади.

19-модда. Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озик-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳудудий органларининг, шунингдек тегишли тайёрлов ҳамда таъминот ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг қўшма қарори билан тузиладиган туман апробация комиссиялари томонидан ўтказилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробацияси ўсимликлар генетик (нав) жиҳатдан софлигининг, зараркундалар билан зарарланган-зарарланмаганлигининг, касалликларга чалинган-чалинмаганлигининг ва уруғликлар умумий ҳолатининг далада ўтказиладиган текшируви орқали амалга оширилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг апробациясини ўтказиш натижаларига кўра туман апробация комиссиялари томонидан манфаатдор ташкилотлар ва жисмоний шахсларга апробация далолатномаси берилади.

Уруғлик етиштирувчилар шахсий фойдаланишдаги уруғлик экинзорларининг апробациясини апробация далолатномаси расмийлаштирилган ҳолда ўтказишга ҳақли.

20-модда. Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг тупроғини баҳолаш

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг тупроғини баҳолаш уруғликларни махсус участкаларда экиш ва келгусида уларнинг генетик (нав) сифатини текшириш орқали уруғликларнинг муайян турга, навга мансублигини ҳамда нав жиҳатдан софлигини белгилайди.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг тупроғини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузури-

даги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан ўтказилади.

Уруғлик етиштириш учун фойдаланиладиган уруғлик экинзорларининг тупроғини баҳолашни ўтказиш натижаларига кўра манфаатдор ташкилотлар ва жисмоний шахсларга уруғликларнинг генетик (нав) сифати тўғрисида хулоса берилади.

21-модда. Уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синови

Уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синови лаборатория таҳлили ўтказиш орқали уларнинг муайян навга мансублигини белгилайди ва генетик (нав) сифатини аниқлайди.

Уруғликларнинг лабораторияда ўтказиладиган нав синови Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Уруғликларнинг лабораторияда ўтказилган нав синови натижаларига кўра манфаатдор ташкилотлар ва жисмоний шахсларга уруғликларнинг генетик (нав) сифати тўғрисида хулоса берилади.

22-модда. Уруғликларнинг экинбоплик сифатларини аниқлаш

Уруғликларнинг экинбоплик сифатлари уруғликлар туркумларидан ажратиб олинган намуналардан уруғликлар таҳлилини ўтказиш орқали аниқланади.

Уруғликлар туркумларидан намуналар ажратиб олиш, уларнинг таҳлилини ўтказиш ва уруғликларнинг экинбоплик сифатларини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Уруғликларнинг экинбоплик сифатларини аниқлаш натижаларига кўра стандарт уруғликларга уруғликларнинг экинбоплик сифатлари кўрсатилган ҳолда мувофиқлик сертификати ва синов баённомаси, ностандарт уруғликларга эса уруғликларнинг экинбоплик сифатларини тасдиқловчи уруғликлар таҳлили натижаси берилади.

23-модда. Уруғликларни сертификатлаштириш

Экиш учун фойдаланиладиган уруғликлар сертификатлаштирилиши лозим.

Экиш учун фойдаланиладиган уруғликларни сертификатлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

сертификатлаштириш учун талабнома бериш ва уни кўриб чиқиш;
намуналарни бирхиллаштириш, ажратиб олиш ва лабораторияга етказиш;
лабораторияда намуналар синовини ўтказиш;

олинган натижаларни таҳлил қилиш, мувофиқлик сертификатини бериш ёки уни беришни рад этиш;

мувофиқлик сертификатларини Ўзбекистон Республикаси миллий сертификатлаштириш тизимининг давлат реестрида рўйхатдан ўтказиш.

Уруғликларни сертификатлаштириш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

Ўрмон хўжалиги экинларининг уруғликларини сертификатлаштириш Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда унинг техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ аккредитация қилинган ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

24-модда. Уруғлик етиштирувчиларнинг реестри

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестри пахта чигитининг, бошоқли дон экинлари ҳамда картошканинг оригинал ва элита уруғликларини ишлаб чиқарувчилар бўйича Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази томонидан юритилади.

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестри уруғлик етиштирувчилар тўғрисидаги, янгиланган туриладиган ёзувларни ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот базасидир.

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестрида уруғлик етиштирувчилар тўғрисидаги қуйидаги асосий маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак:

уруғлик ишлаб чиқарувчининг номи, почта манзили, телефон рақами;
уруғлик етиштирувчи раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми;
пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғлари навларининг ва дурагайларининг номи, шунингдек тоифаси.

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестридаги ахборот Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш марказининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Уруғлик етиштирувчиларнинг реестрига киритганлик учун ҳақ олинмайди.

25-модда. Уруғликларни етиштириш, тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш

Уруғликларни етиштириш, тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ва улардан фойдаланиш техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

Кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги экинлари уруғликларини етиштириш, тайёрлаш, уларга ишлов бериш, уларни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тегишли ваколатли органлар томонидан белгиланади.

Интеллектуал мулк объекти бўлган уруғликлардан фойдаланишга патент эгасининг (лицензиарнинг) розилиги билан йўл қўйилади.

26-модда. Уруғликларни реализация қилиш

Уруғликларни реализация қилишга уларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатлари кўрсатилган мувофиқлик сертификати мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Кимёвий ёки биологик ишлов берилган уруғликлар уруғликларнинг истеъмолчисига (уруғликлардан фойдаланувчига) ёки савдо тармоғига фақат қадоқланган тарзда етказиб берилади. Ҳар бир қадоқда ишлов бериш тури кўрсатилган ёрлиқ ва хавфсизлик чора-тадбирлари тўғрисидаги йўриқнома бўлиши керак.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг қуйидаги уруғликларидан экиш (ўтқазиш) учун фойдаланиш ва ушбу уруғликларни экиш (ўтқазиш) учун реализация қилиш тақиқланади:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилмаган пахта чигити навлари ва дурагайларининг, бошоқли дон экинлари ҳамда картошка навлари ва дурагайларининг уруғликлари;

ўсимликлар карантини объектлари билан зарарланган уруғликлар;

техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ келмайдиган уруғликлар.

Янги ва истикболли навларнинг уруғликларига бўлган талабдан келиб чиққан ҳолда, шунингдек уларнинг сифати бўйича мувофиқлик сертификати ёки таҳлил натижаси мавжуд бўлган тақдирда, пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ёки унинг ваколатли органининг рухсати билан реализация қилиниши мумкин.

Муомалага киритилаётган уруғликлар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ тамғаланган ва қадоқланган бўлиши керак.

Хорижий мамлакатлардан олиб кирилаётган ва карантин объектлари ҳамда ўта хавфли зараркунандалар, ўсимликлар касалликлари ва бегона ўтлар кенг тарқалган зоналарда етиштирилган уруғликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилиш тақиқланади.

27-модда. Реализация қилинадиган уруғликларга доир кафолатлар

Уруғликларни етиштириш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи уруғчилик субъектлари уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатлари мувофиқ бўлиши учун жавобгар бўлади.

Агар уруғликларни етиштириш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи уруғчилик субъектлари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган уруғликларнинг генетик (нав) ва экинбоплик сифатларига номувофиқлиги уруғликларни етиштириш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчиларга боғлиқ эмаслигини исботласа, уруғликларнинг истеъмолчиси (уруғликлардан фойдаланувчи) зарарнинг ўрни қопланишини талаб қилишга ҳақли эмас.

Олинган уруғликларга доир кафолатлар уларнинг сифати тўғрисидаги ҳужжатда кўрсатилган муддатгача амал қилади.

28-модда. Уруғликларни олиб кириш ва олиб чиқиш

Уруғликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга қуйидаги шартлар асосида йўл қўйилади, агар:

пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғликлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия қилинган қишлоқ хўжалиги экинларининг давлат реестрига киритилган нав ва дурагай жумласидан бўлса;

уруғликларнинг мувофиқлик сертификати ва фитосанитария сертификати, шунингдек карантин рухсатномаси мавжуд бўлса;

уруғликлар селекция ва тадқиқот ишлари, кўргазмага қўйиш учун мўлжалланган бўлса.

Уруғликларни (бундан пахта чигити, бошоқли дон экинлари ва картошка уруғликлари мустасно) олиб кириш чоғида аккредитация бўйича халқаро ташкилотлар томонидан аккредитация қилинган хорижий лабораториялар ўтказган синовларнинг натижалари синов чоғида қўлланилган талаблар Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган шунга ўхшаш талаблардан паст бўлмаган ҳолларда тан олинади.

Илмий мақсадларда ва навни синаш учун олиб кирилаётган ҳамда олиб чиқилаётган уруғликлар учун божхона божи ундирилмайди ва улар квоталанмайди ҳамда лицензияланмайди.

Пахта чигитини ва бошоқли дон экинларининг уруғликларини олиб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳуласаси асосида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг қарорига биноан амалга оширилади. Бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини олиб чиқиш учун махсус рухсатнома талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқилиши лозим бўлган уруғликларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг ўсимликлар карантини бўйича давлат инспекциялари томонидан берилган фитосанитария сертификати илова қилинади.

29-модда. Уруғликларга қўшимча ишлов бериш, уларни утилизация қилиш ва йўқ қилиш

Экинбоплик сифатларини аниқлаш натижаларига кўра белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқсиз деб топилган уруғликларга техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг қоидаларига мувофиқ қўшимча ишлов берилиши, улар утилизация қилиниши ва (ёки) йўқ қилиниши лозим.

Уруғликлар уларнинг экинбоплик сифатларини аниқлашни амалга ошириш ва улардан кейинчалик фойдаланиш мумкинлиги ёки уларни йўқ қилиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун зарур бўлган даврда хавфсизликни таъминлайдиган шарт-шароитларга риоя этилган ҳолда алоҳида хоналарда сақланиши лозим.

Белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқсиз бўлган уруғликларни утилизация қилиш ва (ёки) йўқ қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни уруғлик етиштирувчилар ва реализация қилувчилар томонидан қопланади.

30-модда. Суғурта уруғлик фонди

Табиий офатлар рўй берган ҳолларда қайта экиш учун навли уруғликлар етказиб берилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек бошқа мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси суғурта уруғлик фондини ташкил этади.

Суғурта уруғлик фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

31-модда. Уруғчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар

Уруғчилик соҳасидаги илмий тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази, тегишли тармоқ илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари, шунингдек бошқа илмий ташкилотлар томонидан амалга оширилади, улар:

уруғчиликнинг, уруғшуносликнинг ва навшуносликнинг илмий асосланган тизимларини;

янги ва истиқболли навларни жорий этишга доир тавсияларни;

инновацион технологияларни ва юқори сифатли уруғликлар етиштириш самарадорлигини ошириш усулларини;

уруғчиликни ахборот жиҳатидан таъминлаш тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича дастурларни ишлаб чиқади.

32-модда. Уруғчилик соҳасида интеллектуал мулк

Патент эгалари, шунингдек лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар патент билан муҳофаза қилинадиган навлар ва дурагайларнинг уруғликларини етиштириш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Исталган юридик ва жисмоний шахслар патент ёки гувоҳнома билан муҳофаза қилинмайдиган навлар ва дурагайларнинг уруғликларини етиштириши ҳамда улардан фойдаланиши мумкин.

4-боб. Якунловчи қоидалар

33-модда. Уруғчилик соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш

Уруғчилик соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

34-модда. Низоларни ҳал этиш

Уруғчилик соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

35-модда. Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Уруғчилик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

36-модда. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Уруғчилик тўғрисида»**ги 267-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 130-модда);

2) Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган **«Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»**ги 421-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда) **19-банди**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги 772-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда) **XV бўлими**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тартиб-таомиллари соддалаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-31-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 157-модда) **2-моддаси**;

5) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 21 декабрда қабул қилинган **«Уруғчилик тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»**ги ЎРҚ-134-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 605-модда);

6) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлда қабул қилинган **«Баъзи давлат органлари ва ташкилотларнинг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги ЎРҚ-486-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 431-модда) **18-моддаси**.

37-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа манфаатдор

ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

38-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

39-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
ЎРҚ-521-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

131 Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5552-сон Фармонида мувофиқ эксперимент тариқасида 444 та бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича электрон савдо майдончасида аукционга чиқарилиб, шундан 310 та объект 172 млрд сўм инвестиция киритиш ҳамда 3 536 та янги иш ўринлари яратиш шарти билан 11,2 млрд сўмга сотилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 октябрдаги «Давлат мулки объектларини ва ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни тадбиркорлик субъектларига сотиш тартибини соддалаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5552-сон Фармонида белгиланган давлат мулки объектларини сотиш тартибини соддалаштириш бўйича эксперимент ўтказиш муддатини 2020 йил 1 январга қадар узайтириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси қошидаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази» давлат унитар корхонаси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилсин ва у мазкур Марказнинг таъсисчиси сифатида белгилансин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

давлат мулки объектларини (акциялардан ташқари) сотиш бўйича савдолар «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида амалга оширилади;

2019 йил 1 июлдан бошлаб давлат кўчмас мулк объектларини ижарага

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 февралда эълон қилинган.

бериш бўйича савдолар «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади;

давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш учун электрон савдоларга чиқаришда, улар бўйича ижара тўловининг энг кам ставкаси объектни балансда сақловчилар томонидан ижарага бериш мақсадида кўрсатилган фаолият туридан келиб чиққан ҳолда кўрсатилади;

«E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасига 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича қўйилган давлат кўчмас мулк объектлари улар тўлиқ сотилмагунга қадар савдолардан олинмайди.

5. Қуйидагилар:

«E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида 1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан сотиладиган давлат мулки объектлари рўяхати 1-иловага* мувофиқ;

белгиланган тартибда сотилиши лозим бўлган давлат мулки объектлари рўяхати 2-иловага* мувофиқ;

келгусида самарали фойдаланиш учун давлат органларига оператив бошқарув ҳукуқи асосида берилиши лозим бўлган давлат мулки объектлари рўяхати 3-иловага* мувофиқ;

Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда — Давлат тендер комиссияси) таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда:

мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган тегишли ер участкалари, бино ва иншоотларнинг кадастр ҳужжатлари тайёрланишини ҳамда уларга бўлган ҳуқуқларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат рўяхатидан ўтказилишини;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармоннинг 3-иловасида кўрсатилган давлат мулки объектларини қабул қилиш-топишириш ишларини, шунингдек, улардан келгусида самарали фойдаланилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

а) 2019 йил 1 мартдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унда агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёхуд Давлат тендер комиссиясининг қарорлари билан бошқача тартиб ўрнатилмаган бўлса, давлат кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари учун сотиб олиш тўловларини тўлашда, савдолар ўтказилган санадаги белгиланган энг кам иш ҳақи (кейинги ўринда — ЭКИХ) баравари миқдорида ҳисобланадиган сотиб олиш тўловлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда, сотиб олиш тўловларини тўлашнинг қуйидагича белгиланган муддатларини жорий этиш:

* 1 — 4-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЭКИХнинг 3 000 бараваригача — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч ойдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 3 000 бараваридан юқори, лекин ЭКИХнинг 7 000 бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб олти ойдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 7 000 бараваридан юқори, лекин ЭКИХнинг 15 000 бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб бир йилдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 15 000 бараваридан юқори, лекин ЭКИХнинг 20 000 бараваридан кўп бўлмаганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб икки йилдан кўп бўлмаган муддатда;

ЭКИХнинг 20 000 бараваридан юқори бўлганда — олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатда;

б) «Кварц» АЖ устав капиталидаги 20 фоиз давлат акциялари пакети-ни босқичма-босқич фонд биржасида иккиламчи SPO ўтказиш орқали, даст-лаб 2019 йилнинг июнь ойида акциялар пакетининг 5 фоизини сотувга чи-қарган ҳолда савдога қўйиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Давлат тендер комиссиясига, истисно тариқасида, хўжалик жамият-лари устав капиталидаги давлат акциялари (улушлари) пакетларини олди-сотди шартномаларини қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчиларининг савдо майдончаларидан ташқарисида рўйхатдан ўтказган ҳолда танлов ўтказиш ва тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш орқали сотишга рухсат берилсин.

9. Белгилаб қўйилсинки:

1 сўмга тенг қийматдаги бошланғич нарх бўйича «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида сотилган давлат мулк объектларига доир ин-вестиция ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш харидор томонидан ўз зиммасига олинган маҳсулот (хизматлар) ишлаб чиқаришнинг бошлани-ши ва янги иш ўринлари яратилишини назарда тутувчи мажбуриятлар ба-жарилгандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади;

эркин айирбошланадиган валютада сотиш учун савдога чиқарилган ва савдода турган давлат акциялари пакетлари савдолардан олиниши, уларнинг миллий валютадаги қиймати аниқланган ҳолда қайта баҳоланиши ва мил-лий валютада такрорий савдоларга чиқарилиши лозим;

хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат акциялари пакетлари қонунчиликда назарда тутилган тўлов муддатларини узайтириш ва чегир-малар тақдим этиш механизмлари қўлланилмаган ҳолда сотилади;

ваколатли давлат органлари қарорлари бўйича сотилган давлат мулки объектларининг олди-сотди шартномаларини мажбурий равишда нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди.

10. «Ноль» харид қийматида сотишда, шу жумладан, аввал сотилган давлат мулки объектлари бўйича инвестиция мажбуриятлари бажарилган деб қабул қилинган пайтдан бошлаб бир йил давомида янги иш ўринларини сақлаб қолиш тартиби бекор қилинсин.

11. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директорида Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли мурожаати келиб тушган кундан бошлаб ўн кун муддатда келишилишини таъминлаган ҳолда, Молия вазирлиги ва юқори турувчи манфаатдор давлат органлари розилигига мувофиқ идоравий мансублигидан қатъи назар, давлат кўчмас мулк объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) бир давлат ташкилоти тасарруфидан бошқа бир давлат ташкилоти тасарруфига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бегараз бериш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг мурожаатидан сўнг икки ой муддатда балансда сақловчилар томонидан уларнинг тасарруфидаги ҳудудда жойлашган, белгиланган тартибда республика давлат бошқаруви органларига бириктирилган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (хусусийлаштирилмайдиган объектлар бундан мустасно) ижарага бериш таъминланмаган тақдирда, ушбу объектларни тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун бир йилгача бўлган муддатга қонунчиликда назарда тутилган тартибда балансда сақловчилар учун ажратмаларни тегишли маҳаллий бюджетга йўналтирган ҳолда ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда «E-IJRO AUKSION» электрон савдо майдончасида сотиладиган давлат мулки объектлари тўғрисида тадбиркорлар ва аҳолини доимий равишда кенг хабардор қилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 5-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 февраль,
ПФ–5666-сон

* 5-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**132 Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнгги йилларда мамлакатда давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларини демократлаштиришга, инновацион технологияларни жорий этишга, инсон салоҳиятини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратишга, аҳолининг фаровонлик даражасини оширишга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шундай бир шароитда муайян соҳадаги вазиятни сифат жиҳатидан ўзгартириш ҳамда илғор хорижий ва маҳаллий назарий-методологик воситалардан фойдаланиш асосида уни ривожлантириш вазифаларини давом эттириш хусусида социологик сўровлар ўтказишнинг сифат жиҳатидан янги ва замонавий тадқиқот амалиётини шакллантириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Халқаро амалиёт ва мамлакатимиз тажрибаси социологик тадқиқотларни ижтимоий шериклик принциплари асосида ўтказиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларнинг салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш ва шу мақсадларда давлат буюртмасини сифатли бажариш, аҳолини мазкур жараёнга фаолроқ жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жамоатчилик фикрининг тизимли мониторингини таъминлаш ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида унинг натижаларидан фойдаланиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида:

1. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази муассислари йиғилишининг уни «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази (кейинги ўринларда «Ижтимоий фикр» маркази деб юритилади) этиб қайта номлаш таклифига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, қуйидагилар «Ижтимоий фикр» марказининг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қуйидагиларда:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида, давлат ва жамият қурилишида — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ролини янада кучайтиришга, давлат хизматининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ривожлантиришга қаратилган ислохотлар;

суд-ҳуқуқ соҳасида — қонун устуворлигини таъминлашга ва инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган ислохотлар;

иқтисодиётда — унинг рақобатбардошлигини оширишга, тармоқларни

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 февралда эълон қилинган.

модернизация қилиш, либераллаштириш ва диверсификация қилишга, давлатнинг иқтисодий жараёнларда иштирокини камайтириш бўйича институционал ва таркибий ислохотларни амалга ошириш сифатини аниқлаш ва ўрганишга, хусусий мулкчилик ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга йўналтирилган ислохотлар;

ижтимоий соҳада — аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга, унинг бандлигини таъминлашга, реал даромадларини оширишга ва хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтиришга, таълим, соғлиқни сақлаш, туризм, маданият, санъат, спорт, илм-фан ва бошқа йўналишларнинг сифатини оширишга, давлатнинг ёшларга оид сиёсатини ва арзон уй-жойлар қуриш дастурларини амалга ошириш чора-тадбирларини бажаришга йўналтирилган ислохотлар;

хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, шунингдек, ташқи сиёсат соҳаларида — мамлакат мудофаа қобилиятини, фуқаролар ўртасида ва динлараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлашга, ташқи сиёсат соҳасидаги фаолият самарадорлигини янада оширишга йўналтирилган ислохотлар тўғрисидаги жамоатчилик фикрини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

б) фуқаролар дунёқарашини шакллантиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ахлоқий, ҳуқуқий онги ҳолати ва мазмунини белгилаш, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий маданияти даражасини ўрганиш ва уларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

в) ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ҳолати ва динамикаси тўғрисида, аҳолининг ижтимоий фикри ҳақида ишончли ахборотни тарқатиш;

г) хорижий тадқиқотчилик амалиётида фаол фойдаланиладиган ва замонавий ахборот ёндашувларига таянадиган социологик тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш техникаси ва технологияларини ишлаб чиқиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва уларнинг кенг усулларини қўллаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш методологик асосларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш.

3. «Ижтимоий фикр» маркази, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг:

«Ижтимоий фикр» маркази томонидан Таъсисчилар кенгаши томонидан ҳар йили маъқулланадиган социологик тадқиқотлар режасига мувофиқ социологик тадқиқотлар ўтказиш тартибини сақлаб қолган ҳолда «Ижтимоий фикр» марказининг раҳбар ва илмий ходимларига бюджет маблағлари ҳисобидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишлар илмий-техник дастурларини амалга оширишда иштирок этадиган илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорлари ва шартларини, Марказнинг бошқа ходимларига эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига идоравий мансуб муассасалар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларини татбиқ этиш;

«Ижтимоий фикр» марказини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига ҳар йили «Ижтимоий фикр» марказининг буюртманомаларига кўра марказнинг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни кўзда тутиш тавсия этилсин.

4. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган социологик сўров натижаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларида мунтазам муҳокама қилиш ва улар бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш амалиётга жорий этилсин.

Белгилансинки, «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган социологик сўров натижалари оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари, босма нашрлар ва Марказнинг веб-сайтида доимий ёритиб борилиши зарур.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ижтимоий фикр» маркази билан биргаликда икки ҳафта муддатда социологик сўровлар яқунларини ёритиш мақсадида «O'zbekiston 24» телеканалида доимий фаолият юритадиган «Ижтимоий фикр» («Общественное мнение») махсус рукни ташкил этилишини таъминласин.

5. 2019-2020 йилларда «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш марказини ускуналар, техника ва бошқа воситалар билан жиҳозлаш дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ижтимоий фикр» марказининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра унинг моддий-техник базасини яхшилаш учун зарур бўлган ускуналар, техника ва бошқа воситаларни, шунингдек, ушбу Дастурда келтирилган хорижий илмий ва махсус адабиётларни харид қилишга маблағ ажратилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан белгиланган тартибда:

«Ижтимоий фикр» марказини зарур алоқа воситалари, жумладан, ҳукумат алоқаси билан, Интернетга кенг полосали уланишини таъминласин ҳамда хорижий экспертларни жалб этган ҳолда видео анжуманлар, интернет-форумлар ва телеқўприқларни ўтказишда зарур техник ёрдам кўрсатсин;

«Ижтимоий фикр» марказига телефон ва Интернет тармоғи орқали ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва мамлакатимиз ҳаётининг бошқа йўналишларига доир долзарб жорий масалалар юзасидан аҳоли ўртасида блиц-сўров ўтказиш учун call-марказини ташкил этишда амалий ва техник ёрдам кўрсатсин;

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ижтимоий фикр» марказининг жисмоний ва юридик шахсларнинг му-рожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни мониторинг ва таҳлил қилиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхона-си», «Қўнғироқларни қайта ишлаш маркази» (телефон рақамлари 10-00, (0800) 210-00-00) ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхо-наларининг ахборот тизимлари фаолиятига доир статистик ва бошқа ахбо-ротлардан фойдаланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий тадқи-кот марказлари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда, замо-навий усул ва ёндашувлар асосида социологик сўровлар ўтказишни ташкил-лаштириш кўникмаларини ошириш мақсадида уларнинг малакали мутахас-сисларини жалб этишда «Ижтимоий фикр» марказига кўмаклашсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб «Ижтимоий фикр» марказининг буюртманомаларига кўра республикадаги олий таълим муассасалари талаба-лари тегишли таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқариш амалиётидан ўти-ши учун мазкур Марказга мунтазам юборилишини таъминласин;

республикадаги тегишли олий таълим муассасалари билан биргаликда икки ой муддатда 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб социология ва социоло-гик тадқиқотлар кафедраларини очиш чоралари кўрилишини таъминласин.

9. «Ижтимоий фикр» маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва «Тараққиёт стра-тегияси» марказининг Ўзбекистон социологлари ассоциациясини ташкил этиш ҳамда қуйидагиларни унинг асосий вазифалари этиб белгилаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин:

ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

илмий тадқиқотлар, ижтимоий мезонлар методологиясини такомиллаш-тириш бўйича ишларда, мамлакатимиз социология ҳамжамиятининг интел-лектуал ва илмий-техник салоҳиятини юксалтиришда иштирок этиш, шу жумладан, ижтимоий тажрибалар ўтказиш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистонда ва хорижда демографик жараёнларни ўрганиш ва таҳлил қилишга кўмаклашиш;

социологлар ва бошқа ходимларнинг малакасини ошириш;

олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларига социология фанида-ги энг янги ютуқларни ва социологик тадқиқотлар ўтказишнинг инновацион ёндашувларини жорий этиш бўйича улар билан ҳамкорлик қилиш;

халқаро ва хорижий социологлар ассоциациялари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли социологик ишларни, шу жумладан, хорижда ўтказиш мақ-садида консорциум ташкил этиш;

Халқаро социологлар ассоциациясига аъзо бўлиш, бутунжаҳон социо-логик конгресслар ва форумларида иштирок этиш.

10. «Ижтимоий фикр» маркази:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, молия, иқтисо-

диёт ва саноат, бандлик ва меҳнат муносабатлари, ички ишлар вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура-си, Олий суди, бошқа вазирлик ва идораларнинг статистик ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бюллетенлари ва кундалик маълумотлари тўплами;

хорижий матбуот шарҳлари ва илмий-тадқиқот институтлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроеқтисодий тадқиқотлар институти, Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг ижтимоий-иқтисодий соҳага оид таҳлилий маърузалари мажбурий жўнатиладиган реестрга киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги 2020 ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда «Ижтимоий фикр» марказининг асосланган ҳисоб-китобларига кўра Марказ ва ташкил этиладиган Ўзбекистон социологлари ассоциацияси биноларида таъмирлаш-тиклаш ишлари ва уларни техник ўқитиш воситалари билан жиҳозлаш бўйича лойиҳалар киритилишини белгиланган тартибда назарда тутсин.

12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Ж. Хаджаев ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимовга — социологик сўровлар натижаларининг оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари ва босма нашрларда мунтазам ёритиб борилиши учун;

вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига — «Ижтимоий фикр» марказига унинг вазифаларини самарали амалга оширишда ҳар томонлама ва тўлиқ қўмаклашиш учун шахсан жавобгар экани кўрсатиб ўтилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги ПФ-1791-сон Фармонининг 2.1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ой муддатда «Ижтимоий фикр» марказини мазкур Фармонга мувофиқ унинг номи ўзгартирилганини ва устувор вазифалари белгилаб олинганини ҳисобга олган ҳолда қайта рўйхатдан ўтказсин;

ташкил этилаётган Ўзбекистон социологлари ассоциациясини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин, устав органларини шакллантиришда унга ҳар томонлама қўмаклашсин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 февраль,
ПФ-5667-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**133 Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от
спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида***

Мамлакатимизда йилқичилик ва от спортини оммалаштириш учун шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш, мазкур спорт тури бўйича юртимизни халқаро спорт майдонларида муносиб равишда танитиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон йилқичилик ва от спорти федерацияси ташкил этилди, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича мажмуалар фаолият кўрсатмоқда.

Тошкент вилоятида Ахалтака зотли ва спорт отларини етиштириш ва кўпайтириш от заводини куриш, шунингдек, Тошкент шаҳрида «Марказий ипподром» акциядорлик жамиятини Халқаро от спорти федерацияси талабларини инобатга олган ҳолда реконструкция қилиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, республикада йилқичилик ва от спортининг янада ривожланишига тўсқинлик қилаётган бир қатор ҳал этилмаган масалалар мавжуд. Жумладан, от спорти клублари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг яхлит тизими мавжуд эмаслиги ўқув-машғулот жараёнини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш, иқтидорли чавандозларни аниқлаш ва танлаб олиш имконини бермаяпти.

Моддий-техник база ва от спорти инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган, от спорти билан шуғулланиш ва ушбу спорт турини омма-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 19 февралда эълон қилинган.

лаштириш учун спорт базалари ва шарт-шароитлар яратиш бўйича зарур чоралар кўрилмаяпти.

Йилқичилик ва от спортини янада ривожлантириш, ёшларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш, жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, шунингдек, от спортини бўйича миллий ва халқаро мусобақаларда юқори спорт натижаларига эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» АЖ, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг:

2019-2020 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спортини мактабларини (кейинги ўринларда — болалар-ўсмирлар от спортини мактаблари) босқичма-босқич ташкил этиш;

Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси қошида юридик шахс мақомига эга Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика марказини (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этиш;

Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси раисининг ўринбосари — Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича инновацион селекция-генетика маркази директори лавозимини жорий этиш;

Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича «Қорабайир отчилиқ мажмуаси» УҚни «Шўртангазкимё мажмуаси» МЧЖ тасарруфидан «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасарруфига бериш;

Қорабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш бўйича «Қорабайир отчилиқ мажмуаси» УҚ ва «Водий тулпорлари» МЧЖ мажмуаларини, улар таъминотини молиялаштириш тартибинини сақлаб қолган ҳолда ва йиллик харажатлари кўрсаткичларини Ўзбекистон йилқичилик ва от спортини федерацияси (кейинги ўринларда — Федерация) билан мажбурий келишиш шартини билан, Федерация таркибига киритиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Федерация билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда аниқ ер участкалари ва бўш турган давлат кўчмас мулк объектлари ҳудудида болалар-ўсмирлар от спортини мактабларини ташкил этиш, шунингдек, тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спортини мактабларини ташкил этиш истагини билдирган тадбиркорлик субъектларига топшириш учун уларнинг рўйхатини шакллантирсин;

бир ой муддатда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида болалар-ўсмирлар от спортини мактабларини ташкил этиш истагини билдирган сало-

хиятли тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвесторларни (кейинги ўринларда — ташаббускорлар) аниқласин;

уч ой муддатда энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида ер участкалари ва бўш турган давлат кўчмас мулк объектларини ташаббускорларга тадбиркорлик лойиҳаларини амалга ошириш учун, шу жумладан, уларнинг бир қисмида ёки алоҳида ажратилган ҳудудда болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини ташкил этиш бўйича ижтимоий мажбуриятларни белгилаган ҳолда тақдим этилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари биринчи навбатда ипподромлар ҳудудида ташкил этилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг қурилиши Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг моддий-техник базасини дастлабки мустаҳкамлаш, жумладан, техника, анжомлар ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш ташаббускорлар томонидан амалга оширилади;

спорт отларини сотиб олиш бўйича харажатлар, шунингдек, болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг моддий-техник базасини кейинчалик мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳузуридаги Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади;

мазкур қарорга мувофиқ ташкил этилган болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг балансига ўтказилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларининг жорий фаолиятини ташкил этиш (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, коммунал хизматлар, спорт отларига озуқа ва дори-дармонлар сотиб олиш ҳамда бошқалар бўйича харажатлар) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари ва спорт якка курашлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг от спорти бўлинмалари фаолиятини ташкилий-методик таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан Федерация билан биргаликда амалга оширилади.

4. Марказ ҳузурида лаборатория ташкил этилсин ва унга отларнинг қон гуруҳини аниқлаш ва маълумотлар базасини яратиш бўйича вазифалар юклансин.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг мазкур қарорга мувофиқ Қашқадарё вилоятида ташкил этилаётган болалар-ўсмирлар от спорти мактаби ҳамда Фарғона шаҳар спорт якка курашлари бўйича ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабининг от спорти бўлинмаси ўқувчилари кейинчалик бепул фойдаланишлари учун «Қорабайир отчилик мажмуаси» УК ва «Водий тулпорлари» МЧЖнинг Қо-

рабайир зотли отларни етиштириш ва кўпайтириш мажмуаларига спорт отларини тегишлича «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ҳамда «Kvarts» АЖнинг маблағлари ҳисобидан сотиб олиш ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда от спорти клубларини ташкил этиш мақсадида тадбиркорлик субъектларига бепул фойдаланиш учун зарур бинолар ва иншоотларни тақдим этиш чораларини кўрсин, зарур ҳолларда мазкур бандни амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади Федерация фаолиятини молиялаштиришга йўналтириладиган хайрия ёрдами кўринишидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг ўн фоизидан кўп бўлмаган миқдорга камайтирилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Федерация:

Марказ лабораториясини замонавий ускуна ва малакали мутахассислар билан жамланишини таъминласин;

мутахассис-чавандозлар, Марказ лабораторияси мутахассислари, кавалер-инструкторлар, шунингдек, манфаатдор идоралар ходимларини хорижда ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил этсин;

болалар-ўсмирлар от спорти мактабларини малакали мутахассислар, зарур ўқув-методик адабиётлар билан жамлаш, шунингдек, ўқув-машқ жараёнини лозим даражада ташкил этиш учун ўқув биноларини жиҳозлашнинг зарур чора-тадбирларини таъминласин;

икки ҳафта муддатда 2019 йилда от спорти бўйича ҳудудлар ва республика биринчилиги мусобақаларини ўтказиш, шунингдек, кейинчалик Спорт ва жисмоний-оммавий тадбирлар календарь режасига киритиш учун мазкур спорт тури бўйича халқаро турнирларда иштирок этиш режасини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга пуллик хизмат кўрсатиш тартибини, жумладан, мазкур хизматлар ҳажмини кўрсатган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

уч ой муддатда «Марказий ипподром» АЖнинг қурилиш-монтаж ишларини якунлаш, шунингдек, кейинчалик илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда фаолият кўрсатиши учун молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини жалб қилиш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Федерация билан биргаликда ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олаётган жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни иппотерапия услуги ёрдамида тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида ушбу қарор доирасида ташкил этиладиган болалар-ўсмирлар от спорти мактаблари таъминоти ҳамда уларни моддий-техник жиҳозлаш, шу жумладан, спорт отларини парвариш-лаш учун зарур бўлган бюджет маблағларини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги 2019-2020 йилларда Федерация кўмагида от спорти мактаблари ҳамда клубларини ташкил этиш ва ўз тасарруфида бўлганларини такомиллаштириш чораларини кўрсин, шунингдек, идоровий мансуб йилқичилик ва спорт базаларини уларда ёшларни от спорти билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида барча учун очиқ бўлган секциялар ҳамда тўгаракларни ташкил этган ҳолда модернизация қилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда олий ва касб-хунар таълими муассасаларида кадрлар ва мутахассис-йилқичилар тайёрлаш ўқув режалари ҳамда дастурларини такомиллаштиришни таъминласин, шунингдек, хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикасида йилқичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3057-сон қарорига иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 февраль,
ПҚ-4194-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**134 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари фаолияти билан боғлиқ низомларни тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5633-сонли «Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари тўғрисидаги низом 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги Халқ қабулхоналари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, муружаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси (Т.А. Худайбергенов) икки ҳафта муддат ичида Халқ қабулхоналарининг секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 19 февраль,
ПҚ-4197-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 февралда эълон қилинган.

** 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**135 Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини янада қисқартириш, қурилиш материаллари саноатини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлашни ташкил этишни рағбатлантириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини диверсификация қилиш ва экспорт ҳажмини кенгайтириш, тармоққа инвестицияларни жалб қилиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясида белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга ошириш мақсадида:

1. Қурилиш материаллари саноати корхоналари, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасини (кейинги ўринларда — «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси) ташкил этиш;

«Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг бошқарув органлари йиғилишларида унинг хўжалик жамиятлари устав капиталларидаги акциялари (улушлари) пакетларини 1-иловага** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш орқали жамиятни тугатиш масалаларини кўриб чиқиш ташаббуси билан чиқиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) қурилиш материаллари саноатининг ихтиёрий асосда қирувчи корхоналари «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг аъзолари ҳисобланади;

б) «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси ижро этувчи аппаратининг тузилмаси уюшма таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади;

в) «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги тақдимномаси бўйича уюшма таъсисчиларининг умумий йиғилиши қарори билан сайланади;

г) «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасини жорий таъминлаш ва унинг фаолиятини молиялаштириш уюшма аъзоларининг бадаллари ва ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 февралда эълон қилинган.

** 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

д) қуйидагилар «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси аъзолари манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишни таъминлаш, шунингдек, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича уларга таклифлар киритиш;

юқори қўшилган қийматли қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, шунингдек, ихтисослашган етакчи хорижий компаниялар билан қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ўзлаштириш учун инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан ҳамкорлик қилиш;

талаб этилаётган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи ва рақобатбардош қурилиш материаллари ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарилган буюмлар билан тўлдириш, шунингдек, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси аъзолари фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

худудларнинг салоҳиятини янада ривожлантириш истикболларидан, хом ашё базаси, инфратузилмалар, меҳнат ва бошқа ресурслар ҳамда бозорларнинг мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда корхоналарни жойлаштиришга қўмаклашиш.

3. Белгилансинки, 2022 йил 1 январга қадар корхоналарнинг шартномалар бўйича «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасига тўланадиган ажратмалари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланади.

4. 2019 йил 1 апрелдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ норуда фойдали қазилмалар мавжуд бўлган ер қаъри участкасидан геологик ўрганиш учун фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн кундан ошмаган муддатда берилади.

5. Саноат қўламида ўзлаштириш учун инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар жалб этиладиган норуда фойдали қазилмалар конлари (участкалари)нинг рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан биргаликда салоҳиятли, шу жумладан, хорижий инвесторларни мазкур қарорнинг 5-банди билан тасдиқланган рўйхатга киритилган норуда фойдали қазилмалар конлари (участкалари)ни ўзлаштиришга жалб қилиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

7. «Ўзқурилишматериаллари» АЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қурилиш вазирлиги билан биргаликда Қурилиш материаллари саноатидаги инвестиция лойиҳалари рўйхати ишлаб чиқилганлиги ва унда қуйидагилар назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

2019 — 2021 йилларда умумий қиймати 1,3 млрд АҚШ доллари, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 692 млн АҚШ доллари миқдорида амалдаги корхоналарни техник ва технологик янгилаш ҳамда янги корхоналар барпо этиш бўйича 67 та инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

2021 йилга цемент ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмларини 17 млн тоннага, архитектура-қурилиш ойнасини — 32 млн квадрат метрга, ёғоч-кипиқ плитаси (ДСП)ни — 380 минг куб метрга, газ-бетон блокларини — 700 минг куб метрга, гулқоғозларни — 4,5 млн рулонга, кўп қаватли уйлар қурилиши учун йирик панелли темир-бетон буюмларини — 180 минг квадрат метрга етказган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 апрелга қадар ушбу бандда белгиланган Қурилиш материаллари саноатидаги инвестиция лойиҳалари рўйхатини, шунингдек, уларни амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини («Йўл харитаси»ни) тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги икки ой муддатда ички ва ташқи бозорларда қурилиш материалларига бўлган талаб конъюнктурасини, шунингдек, чет эл бозорларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш асосида янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, ички бозорни маҳаллий қурилиш материаллари билан тўлдириш ва уларнинг экспорт географиясини кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва жорий қилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ ва қурилиш материаллари саноати корхоналарининг «ҚурилишматериаллариЛИТИ» МЧЖ ихтисослаштирилган лойиҳа илмий-тадқиқот институтини «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси таркибига кирувчи «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази этиб қайта номлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, қуйидагилар марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Технологик ривожланиш агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда қурилиш саноатининг илмий-тадқиқот ташкилотлари билан биргаликда илғор хорижий тажриба ва республиканинг хом ашё салоҳиятини инобатга олган ҳолда янги қурилиш материаллари ва улардан фойдаланиш технологиялари ишланмаларини ташкиллаштириш;

қурилиш материалларининг янги стандартларини фаоллаштириш ва ишлаб чиқиш, шунингдек, қурилиш тармоғида фойдаланиладиган қоидалар тўпламини ишлаб чиқишда қатнашиш;

ишлаб чиқариладиган қурилиш материаллари ва буюмларнинг барча турларини сертификатлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда қурилиш материаллари саноатининг талаб юқори бўлган йўналишлари бўйича мутахассисларга таълим бериш юзасидан ўқув режа-

лари ва инновацион ўқув курсларини ишлаб чиқиш, шунингдек, замонавий ўқув-методик адабиётлар ва қўлланмаларни тайёрлаш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш, мутахассисларнинг стажировкасини, шу жумладан, хориждаги илмий-тадқиқот марказларида стажировкасини ўтказишни ташкиллаштириш;

ишлаб чиқаришга мўлжалланган машиналар, асбоб-ускуналар ва техник тизимлар, саноат объектлари, шунингдек, энергетика ва муҳандислик инфратузилмаси объектларининг техник аудити, энергия аудити, диагностикаси ва экспертизасини ўтказиш.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:

2018 йил якунига кўра «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг соф фойдасини унинг 20 фоизини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига дивидендларни тўлашга йўналтирган ҳолда тақсимланишини;

тугатилаётган «Ўзқурилишматериаллари» АЖнинг асосий воситалари, унинг таркибига кирувчи корхоналар ажратмалари бўйича юзага келган дебитор қарздорлик, жамиятнинг «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ ҳамда «Тоғ геология жамлама экспедицияси» МЧЖ устав капиталларидаги улушлари, шунингдек, акциядорларга берилиши керак бўлган ҳамда тугатиш жараёни якунланганидан кейин қоладиган жамиятнинг пул маблағларини «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасига беғараз ўтказишни;

«УКМ Транс авто» МЧЖни кейинчалик унинг автотранспорт воситаларини беғараз «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасига топширган ҳолда тугатишни таъминласин.

11. Қуйидагиларга:

иктисодиёт ва саноат вазири Б.А. Ходжаевга — инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш жараёнини мувофиқлаштириш ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш;

инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.У. Умурзоқовга — қурилиш материаллари саноатида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш, тармоққа инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, экспортга мўлжалланган маҳсулот чиқаришни кенгайтириш мақсадида янги ишлаб чиқариш қувватларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори Н.С. Жўраевга — хўжалик жамиятларининг устав капиталларидаги, шу жумладан, ушбу қарорга мувофиқ «Ўзқурилишматериаллари» АЖдан қабул қилинадиган давлат акциялари (улушлари) пакетларини самарали бошқариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

12. «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Тафаккур кўчаси, 68-А уй манзили бўйича бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатла-

рига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 февраль,
ПҚ-4198-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 20 февралдаги
ПҚ-4198-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 25 октябрдаги «Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2641-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиётининг тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3479-сон қарорига 3-илованинг 3-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**136 Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбир-
лари тўғрисида***

Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш халқ таълими соҳасидаги давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатнинг келгусидаги жадал тараққиёти ёш истеъдодларни аниқлаш, иқтидорли болаларни танлаб олиш ва ўқитиш тизимини ташкил қилиш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал имкониятларини намоён этишга ёрдам берувчи кўп тармоқли таълим муҳитини яратиш бўйича ишлар сифатини ошириш заруратини тақозо этмоқда.

Иқтидорли болаларни аниқлаш, таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаган ҳолда уларни ўқитиш ва тарбиялаш бўйича яхлит тизим яратиш, истеъдодли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маънан етук ва интеллектуал жиҳатдан баркамол авлодни шакллантириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурига мувофиқ:

1. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасаси шаклидаги Президент мактаблари ташкил этилсин.

2. Қуйидагилар Президент мактабларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иқтидорли болаларни аниқлаш, танлаш ва ўқитиш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг интеллектуал, илмий ва ижодий салоҳиятини очиб бериш;

табiiй ва аниқ фанларни чуқур ўрганиш, хорижий тиллар, муҳандислик ва ахборот технологияларини ўзлаштиришни ташкил қилиш, ўқувчиларнинг инновацион ғоялари ва ишланмаларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчиларни ўқитиш ва улар билимини баҳолашнинг замонавий услубларини, шунингдек, таълим дастурларининг интеграциялашувига асосланган ўқитишнинг фанлараро ёндашувини жорий қилиш ва кейинчалик ижобий тажрибани республика халқ таълими тизимига татбиқ этиш;

ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш, уларда етакчилик кўникмалари ва нотиқлик санъатини ривожлантириш, танқидий фикрлаш, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни амалиётда қўллаш малакасини ошириш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 21 февралда эълон қилинган.

ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпиадалар, танловлар ва мусобақаларда муносиб иштирокини таъминлаш;

ўқувчиларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний кадриятларга ҳурмат билан муносабатни, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашларни шакллантириш;

ўқув дастурларининг узлуксизлигини таъминлаш масалаларида худди шу йўналишдаги миллий ва хорижий умумий ўрта ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, битирувчиларнинг илғор хорижий олий ўқув юртларида ва уларнинг республикамиздаги филиалларида ўқишини давом эттириш.

3. Белгилансинки:

Президент мактабларига қабул қилиш республика умумтаълим муассасаларининг 4-синф битирувчилари орасидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан белгиланган тартибда ўтказиладиган мантикий фикрлаш тестлари, ёзма имтиҳон ва суҳбатлар натижаларига кўра амалга оширилади;

Президент мактабининг йиллик қабул квотаси 24 нафар ўқувчидан иборат бўлиб, иккита синфга бир хил — 12 нафардан ўқувчи тақсимланади;

биринчи ўқув йилида Президент мактабларининг ҳар бирига 5 — 10-синфларга 144 нафардан ўқувчи ўқишга қабул қилинади;

Президент мактабларида таълим жараёни хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича инглиз тилида амалга оширилади;

Президент мактабларида «STEAM — таълим» (Science — табиий фанлар, Technology — технологиялар, Engineering — техник ижодкорлик, Art — санъат, Mathematics — математика) дастури жорий этилади;

Президент мактабининг 9 — 11-синфларида ўқитиш ўқувчиларнинг қизиқишлари ва хусусиятларини инобатга олган ҳолда, айрим фанлар ва уларни ўрганиш даражасини танлаб олиш орқали ўқув жараёнини индивидуаллаштиришни кўзда тутади;

асосий ўқув дастури билан биргаликда Президент мактабларида ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда синфдан ташқари амалий машғулотлар ўтказиш назарда тутилади;

Президент мактаблари битирувчиларига белгиланган тартибда давлат томонидан тасдиқланган маълумот тўғрисидаги ҳужжат (шаҳодатнома, аттестат) билан бир қаторда, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасаларига кириш имконини тақдим этувчи халқаро даражадаги тегишли дастур дипломи (International Baccalaureate, Advanced Placement ёки International Advanced Levels) берилади;

Президент мактаблари бевосита Вазирликка бўйсунadi.

4. Вазирлик Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 майга қадар қуйидаги тартибларни белгилаб берувчи Президент мактаби ҳақидаги низомни тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин:

Президент мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш;
кириш имтиҳонларини ўтказиш ҳамда ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳияти ва креатив фикрлашини баҳолаган ҳолда уларни қабул қилиш;

Президент мактаблари ходимларини, шу жумладан, юқори малакали хорижий мутахассисларни танлаб олиш, ёллаш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш;

Президент мактаблари фаолиятини молиялаштириш ва намунавий штат жадвалини тасдиқлаш.

5. Қуйидагилар:

2019 — 2021 йилларда Президент мактабларини қуриш жадвали 1-иловага* мувофиқ;

Тошкент, Нукус ва Хива шаҳарларида Президент мактаблари фаолиятини ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Президент мактаблари фаолиятини ташкил этиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда — Комиссия) 3-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Президент мактабларига қуйидаги масалаларда кўмаклашиш Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

моддий-техник базани мустаҳкамлаш, таълим сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирларни молиялаштириш ва амалга ошириш;

Президент мактаблари фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш учун чет эл инвесторлари маблағларини, техник ёрдам (грантлар) ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбаларни жалб қилиш;

Президент мактаблари маблағларини самарали бошқариш ва улардан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни таъминлаш;

Президент мактаблари фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш, шу жумладан, таълим жараёнига ўқитишнинг илғор шакллари ва услубларини, педагогик, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Комиссияга:

а) Президент мактабларини замонавий ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, шунингдек, уларни ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича намунавий лойиҳалар ва меъёрларни тасдиқлаш;

б) истисно тариқасида, танлов (тендер) савдоларини ташкиллаштирмасдан, энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан:

лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун — лойиҳа ташкилотларини;

Президент мактабларини қуриш учун — пудрат ташкилотларини;

Президент мактабларини замонавий ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, шунингдек, уларни ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш учун — ишлаб чиқарувчилар (етказиб берувчилар)ни;

Президент мактабларида ўқув-методик раҳбарликни таъминлаш, ўқув

* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

жараёнини ташкил этиш ва юритиш, шунингдек, ўқувчиларни қабул қилиш ва чет эллик юқори малакали мутахассисларни ёллаш учун — таълим соҳасида хизматлар кўрсатувчи ихтисослашган хорижий ташкилотларни белгилаш ҳуқуқи берилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда Вазирликка Президент мактаблари қуриш учун ер участкаларини ажратиш бўйича таклифлар киритсин.

Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан биргаликда Тошкент, Нукус ва Хива шаҳарларидаги Президент мактаблари 2019 йил 20 августга қадар, республиканинг бошқа ҳудудларида эса тегишлича 2020 ва 2021 йил 20 августга қадар қуриб битказилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

8. Қуйидагилар:

Вазирлик ҳузуридаги «Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК — Президент мактабларини қуриш ва уларни замонавий ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш бўйича буюртмачи этиб;

Вазирлик ҳузуридаги «Инновация, технология ва стратегия маркази» давлат унитар корхонаси — Президент мактаблари фаолиятининг методик ва ахборот-таҳлилий таъминоти учун масъул ташкилот этиб белгилансин.

9. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича Президент мактабларини қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун олиб келинадиган ускуналар, компьютер техникаси, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари ҳамда қурилиш материаллари, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар 2022 йил 1 январгача божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

10. Белгилаб қўйилсинки:

Президент мактабларини қуриш ва замонавий асбоб-ускуналар, мебель, компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ўқув адабиётлари, методик қўлланмалар ва бошқа воситалар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, хорижий инвестициялар, юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари, Комиссия томонидан жалб этиладиган қўшимча маблағлар, Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Тошкент, Нукус ва Хива шаҳарларида Президент мактабларини қуриш бўйича намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқиш «Prime Tower Group» МЧЖ (Тошкент шаҳри) томонидан Вазирлик ҳузуридаги «Халқ таълими соҳасида лойиҳа ҳужжатларига техник топшириқларни ишлаб чиқиш ва қурилиш объектлари сифатини мониторинг қилиш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК билан ҳамкорликда амалга оширилади.

11. Лойиҳа ва пудрат ташкилотларига, истисно тариқасида, Президент мактаблари куришни лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга оширишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Президент мактабларини куриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва курилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Вазирликнинг буюртманомаларига асосан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган Президент мактабларининг чет эллик ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик кириш визалари консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

14. Белгилаб қўйилсинки, Президент мактабларининг жорий фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади, бунда жумладан, қуйидаги харажатлар ҳам қопланади:

Президент мактабларининг, шу жумладан, шартнома асосида хизмат кўрсатувчи ходимларига иш ҳақи, устамалар, қўшимча ҳақлар, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи тўловлар;

таълим соҳасида хизматлар кўрсатувчи ихтисослашган хорижий ташкилотларнинг Президент мактабларида ўқув-методик раҳбарликни таъминлаш, таълим жараёнини юритиш ҳамда ўқувчиларни қабул қилиш ва юқори малакали хорижий мутахассисларни ёллаш бўйича хизматлари учун тўловлар;

ўқувчиларни бепул озиқ-овқат, мактаб формаси ва яшаш жойи билан таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, Президент мактаблари фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа тадбирларни молиялаштириш харажатлари.

15. Вазирлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 февраль,
ПҚ-4199-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**137 «Обод қишлоқ» дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

2018 йилда «Обод қишлоқ» дастури доирасида республиканинг 159 та туманларидаги 417 та қишлоқларнинг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида улардаги йўл-транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастури тўғрисида»ги ПФ–5386-сон Фармонида белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш, 2019 йилда «Обод қишлоқ» дастури (кейинги ўринларда Дастур деб аталади) доирасида ҳар бир туманда 3 тадан қишлоқ (маҳалла)да аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш, турмуш тарзи ва даражасида сезиларли ижобий ўзгаришларни таъминлаш, мазкур қишлоқ (маҳалла)ларнинг қиёфасини замонавийлаштириш ва унда истиқомат қилувчилар учун иш ўринларини яратиш мақсадида:

1. 2019 йилда Дастур доирасида қуйидагилар:

мамлакатимизнинг 159 та туманида 1,6 млн нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган 478 та қишлоқда амалга ошириладиган қурилиш ва ободонлаштириш ишларининг асосий кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

амалга ошириладиган чора-тадбирлар учун сарфланиши режалаштирилган 4,8 триллион сўм миқдоридаги харажатларнинг молиялаштириш манбалари 2-иловага** мувофиқ;

умумий узунлиги 5 476 кмдан иборат минтақавий йўллар (ички кўчалар)ни таъмирлаш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари 3-иловага** мувофиқ;

1,3 триллион сўм миқдоридаги маблағлар ҳисобидан қишлоқларни ободонлаштириш чора-тадбирлари 4-иловага** мувофиқ;

36 мингдан ортиқ ҳамда умумий узунлиги 2 458 км бўлган тунги кўча ёритиш ҳамда 21 та алоқа тизимини яхшилаш чора-тадбирлари 5-иловага** мувофиқ;

аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, хусусан, 556 та автобекат қуриш ҳамда умумий қиймати 46,3 миллиард сўмлик 189 та замонавий автобуслар харид қилиш бўйича чора-тадбирлар 6-иловага** мувофиқ;

ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида 2 219 км янги тармоқ ҳамда 221 та сув иншоотини қуриш, 729 км тармоқлар ҳамда 163 та сув иншоотларини реконструкция қилиш чора-тадбирлари 7-иловага** мувофиқ;

* Ушбу «Халқ сўзи» газетасида 2019 йил 21 февралда эълон қилинган.

** 1 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

361 миллиард сўм миқдоридаги маблағлар ҳисобидан электр ва газ таъминоти тизимини яхшилаш чора-тадбирлари 8-иловага* мувофиқ;

214,2 мингта якка тартибдаги уй-жойларни таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар 9-иловага* мувофиқ;

1 182 та кўп хонадонли уй-жойларни таъмирлаш чора-тадбирлари 10-иловага* ҳамда 378 та кўп хонадонли уй-жойлар ҳудудларини ободонлаштириш чора-тадбирлари 11-иловага* мувофиқ;

280 та мактабгача таълим, 510 та мактаб, 237 та соғлиқни сақлаш ҳамда 439 та бошқа ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш чора-тадбирлари 12 — 12.4-иловаларга* мувофиқ;

жами 2 532 та бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва таъмирлаш юзасидан чора-тадбирлар 13-иловага* мувофиқ;

ирригация-мелиорация соҳасида, жумладан, 296 км ирригация ва 1 538 км мелиорация объектларини қуриш ва таъмирлаш, 584 км ирригация объектларини тозалаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар 14-иловага* мувофиқ;

талаб этиладиган асосий турдаги қурилиш ва пардозлаш материаллари тўғрисидаги кўрсаткичлар 15-иловага* мувофиқ;

Дастур параметрлари ижросини ўз муддатида ва сифатли амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режаси 16-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–3630-сон қарори билан ташкил этилган «Обод қишлоқ» дастурини амалга оширишни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда Республика комиссияси деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда мазкур қарор параметрларидан келиб чиққан ҳолда, қишлоқларда 2019 йилда амалга ошириладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг маҳаллий ҳокимликлар ва тегишли вазирлик (идора)лар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган туман ва қишлоқлар кесимидаги манзилли рўйхатларини тасдиқласин;

Дастурга киритилган қишлоқ аҳоли пунктларидаги мавжуд уй-жойлар, бино ва иншоотлар, инфратузилма объектлари, ичимлик сув тизимлари, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникацияларининг техник ҳолатини ўрганиб чиқиб, шу асосда 2019 йилда қурилиш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларининг «тармоқ жадваллари»ни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш ҳамда ижросини таъминлаш чораларини кўрсин.

Республика комиссияси (А. Раматов)га Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ташаббуслари асосида тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан келишган ҳолда Дастур-

* 8 — 16-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

га қўшимча қишлоқларни киритиш ҳамда амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича иш ҳажмлари ва қийматларига аниқлик ва тузатиш киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Дастур доирасида бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари учун ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланиш, шунингдек, объектларнинг иш ҳажми ва лойиҳа-смета ҳужжатлари қийматининг асоссиз равишда ошириб юборилишига йўл қўймаслик учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари шахсан масъулдир.

Дастур доирасида бажариладиган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бўйича иш ҳажми ва смета қиймати оширилган тақдирда қўшимча талаб этиладиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, тегишли вазирликлар, идоралар билан биргаликда республика бюджети ва мақсадли жамғармалар ҳисобидан молиялаштириладиган ижтимоий инфратузилма объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш ишларини Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастури доирасида амалга оширсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниялари, шунингдек, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари тизимидаги буюртмачи хизматлар Дастурга киритилган объектлар бўйича буюртмачи этиб белгилансин.

6. Республика комиссияси (А. Раматов):

Дастурда иштирок этаётган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб, ўзаро ҳамкорлигини таъминласин ҳамда юзага келган муаммоли масалаларни тезкор равишда ҳал этиш чораларини кўрсин;

қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бўйича белгиланган кўрсаткичлар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш юзасидан тизимли мониторинг юритиб, мунтазам равишда муҳокама қилиб борсин;

Дастур параметрлари бажарилишини кечиктирган ёки таъминламаган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларига нисбатан интизомий чоралар кўриш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж. Қўчқоров ҳамда Бош вазирнинг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э. Ғаниев давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари томонидан тақдим этилган лойиҳалар асосида Дастурни амалга оширишга халқаро молия институтлари ва хо-

рижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредитларини ва бошқа молиявий манбаларни жалб этиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Энергетика вазирлиги Дастурга киритилган қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа объектлари, йўл-транспорт инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникациялари тармоқлари қурилиши учун лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий ҳисоботини (лойиҳаолди ҳужжатини) бир ой муддатда тайёрлаб, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзметкомбинат» АЖ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «Ўзнефтмахсулот» АЖ буюртмачилар ва лойиҳа ташкилотларининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Дастур доирасида 2019 йилда қишлоқ аҳоли пунктларида ижтимоий соҳа объектлари, муҳандислик коммуникация тармоқларини қуриш ва таъмирлаш учун биржа котировкаларининг ўртача нархларига мувофиқ ҳақини олдиндан тўлаш шарти билан металл прокати, цемент ва ёқилғимойлаш маҳсулотлари ажратилишини таъминласин.

9. Қуйидагилар:

ушбу қарорнинг талаблари ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилишини таъминлаш устидан назорат олиб борилиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири А. Раматов зиммасига;

ушбу қарор билан тасдиқланган йўғма кўрсаткичлар ва асосий параметрларга мувофиқ уй-жойларни таъмирлаш, муҳандислик-транспорт коммуникациялари ҳамда инфратузилма объектларини ўз вақтида ва сифатли қурилиши ва таъмирланиши юзасидан — Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири А. Тўхтаев зиммасига;

қурилиш-монтаж ишлари таннаrxини пасайтириш ва уларда маҳаллий замонавий қурилиш материаллари ва ускуналарини кенг қўллашга қаратилган чора-тадбирларни изчил амалга ошириш юзасидан — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазири Б. Хўжаев зиммасига шахсий жавобгарлик юклансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомидинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 февраль,
ПҚ-4201-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**138 Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича ишлар самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Республикада чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда республика ҳудудининг 70 фоизи ёки 31,4 млнга табиий шўрланишга, қум кўчкилари, чангли бўронлар ва гарм-селлар тарқалиши таъсирига учраган қурғоқчил ва ярим қурғоқчил майдонлардан иборат. Орол фожиаси оқибатида 5,5 млн гектардан ортиқ майдонли Оролқум чўли вужудга келган.

Ерлар чўлланишининг олдини олиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш соҳасида амалдаги давлат бошқаруви тизими ушбу йўналишдаги ишларни самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш имконини бермаяпти.

Чўлланишга қарши курашиш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш бўйича ишларни олиб бориш самарадорлигини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини самарали бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 августдаги 125—I-сон қарори билан Қаттиқ қурғоқчиликни бошдан кечираётган ва (ёки) чўлга айланиб бораётган мамлакатларда, айниқса, Африкада чўлга айланиб боришларга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси (кейинги ўринларда — Конвенция) ратификация қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига қуйидаги қўшимча функциялар юклансин:

республикада чўлланишнинг олдини олиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш;

чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш масалалари бўйича халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этадиган вазирлик, идора ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ишларини мувофиқлаштириш;

Конвенция талабларини бажариш доирасида Ўзбекистон Республикасининг миллий ваколатли органи вазифаларини амалга ошириш.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 февралда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратининг тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг Конвенция доирасида халқаро мажбуриятлар бажарилиши учун масъул бўлган штат бирликларини керакли миқдорда тугатиш ҳисобига бошқарув ходимларининг штат сони 4 нафардан иборат бўлган Чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бошқармаси ташкил этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси:

доимий равишда Конвенция доирасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари ўз вақтида ва зарур даражада бажарилишини таъминлаб борсин;

чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича юкланган вазифаларни самарали бажариш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда хорижий ихтисослаштирилган ташкилотлар мутахассисларини зарур ҳолларда жалб қилсин;

ҳар чоракда чўлланишнинг олдини олиш, қурғоқчиликка қарши курашиш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ихота ўрмонларини кўпайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасида бажарилган ишлар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

5. Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича халқаро мажбуриятларини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг миллий ваколатли органи функциялари Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига юклатилгани тўғрисида белгиланган тартибда Конвенция Котибиятига хабарнома юборсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикасида чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш бўйича 2019 — 2023 йилларга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни;

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 22 февраль,
ПҚ-4204-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****139 Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1608-сон «Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2016 йил 7 ноябрдаги ПҚ–2654-сон «Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Д. НАБИЕВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 7 январь,
2-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
2019 йил 7 январдаги 2-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган
олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига
ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва
қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1608-сон «Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»-ги, 2016 йил 7 ноябрдаги ПҚ–2654-сон «Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2018 йил 5 мартдаги ПҚ–3583-сон «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига (бундан буён матнда гимнастика мактаби деб юритилади) ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ҳамда қабул қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 27 августдаги ПҚ–1608-сон «Гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан гимнастика мактабига 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган таълим олувчи ўқувчи-спортчиларнинг умумий контингенти 60 нафарни ташкил этган ҳолда, ўқиш муддати 5 йил бўлиб, ҳар йили 12 нафар иқтидорли ўқувчи-спортчилар қабул қилинади.

2. Гимнастика мактабига танлаб олиш танлов асосида ўқувчи-спортчиларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов шаклида амалга оширилади.

3. Гимнастика мактабига ўқувчи-спортчиларни қабул қилиш бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамполин спорт турлари бўйича Ўзбекистон Гимнастика федерацияси билан келишилган ҳолда Гимнастика мактаби директори томонидан белгиланадиган квота доирасида амалга оширилади.

**2-боб. Гимнастика мактабига танлаб олиш ва қабул
қилишни ташкил этиш**

4. Ўқувчи-спортчиларни гимнастика мактабига танлаб олишни ташкил этиш мақсадида ҳужжатларни қабул қилиш бошланишидан камида икки ой

олдин гимнастика мактаби томонидан танлов ўтказилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилади. Эълонда гимнастика мактабининг манзили, телефон рақамлари, номзодлар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар ҳамда уларни қабул қилиш муддатлари кўрсатилиши лозим.

5. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун гимнастика мактабида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг буйруғи билан камида 7 кишидан иборат (комиссия раиси, котиби ва аъзолари) таркибда қабул комиссияси тузилади.

6. Қабул комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Ўзбекистон Гимнастика федерацияси ҳамда гимнастика мактаби масъул ходимлари киритилади. Гимнастика мактаби директори қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

7. Ота-оналар ёки уларни ўрнини босувчи шахс (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) томонидан қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклдаги ариза;

ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади);

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели нусхаси (умумий ўрта таълим муассасасининг ўқувчиси бўлмаганлар бундан мустасно);

ўқувчининг 3,5 x 4,5 см ўлчамдаги 6 дона рангли фотосурати;

ўқувчининг спорт мусобақаларида эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар, агар мавжуд бўлса;

ўқувчининг спорт паспорти, агар мавжуд бўлса;

026-У, 063-У ва 086-У шакллар бўйича тиббий маълумотномалар.

Қабул комиссияси томонидан мазкур бандда кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

8. Ҳужжатлар ҳар йили 1 августдан 10 августгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

9. Ўқувчи-спортчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олиш учун қабул комиссияси котиби масъул ҳисобланади. Қабул комиссияси раиси томонидан ўқувчи спортчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиб олиш учун комиссия таркибидаги бошқа шахслар ҳам жалб қилиниши мумкин.

10. Ҳужжатларни топширган ота-оналарга уларнинг ҳужжатлари қабул қилиб олинганлиги ҳақида тилхат берилади.

Тилхатда танловнинг ўтказилиш куни, вақти, жойи кўрсатилиши керак.

Номзодларнинг ҳужжатлари сақланиши учун қабул комиссияси раиси ва котиби масъул ҳисобланади.

3-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш

11. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов ҳар йили 20 — 25 август кунлари гимнастика мактаби биносида ташкил этилади.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Бунда, синовлар бадий гимнастика, спорт гимнастикаси ва трамполин спорт тури бўйича алоҳида кунларда ўтказилади.

12. Номзодлар жисмоний тайёргарлик машқларини бажаришда спорт кийимида бўлишлари шарт.

13. Гимнастика мактаби томонидан жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовлар жараёнининг ота-оналар томонидан онлайн тарзда кузатиб бориш имконияти яратилади. Бунда ота-оналар жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов жараёнини, шунингдек, ўз фарзандларининг синовда иштирок этишларини видеокузатувлар орқали монеликсиз кузатиб боришлари мумкин бўлган хонага жойлаштирилиши лозим.

14. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовлар видео ёзув орқали ёзиб олинади ва гимнастика мактабида сақланади. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовлар видео ёзувларининг сақланиши учун гимнастика мактаби директори масъул ҳисобланади.

15. Жисмоний тайёргарлик машқларини бажариш бошланишидан олдин номзодларга қабул комиссияси аъзолари томонидан машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари тушунтирилади.

16. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов тегишлилигига кўра мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ Бадий гимнастика спорт тури бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш методикаси, 3-иловасига* мувофиқ Спорт гимнастикаси спорт тури бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш методикаси ҳамда 4-иловасига* мувофиқ Трамполин спорт тури бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш методикасида назарда тутилган машқларни бажаришлари орқали амалга оширилади.

17. Мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Бадий гимнастика спорт тури бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш методикаси, 3-иловасига мувофиқ Спорт гимнастикаси спорт тури бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш методикаси ҳамда 4-иловасига мувофиқ Трамполин спорт тури бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш методикасида назарда тутилган машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида қабул комиссияси аъзолари томонидан тегишлилиги бўйича мазкур Низомнинг 5-иловасига* мувофиқ Бадий гимнастика спорт тури бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни баҳолаш мезонлари, 6-иловасига* мувофиқ Спорт гимнастикаси спорт тури бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни баҳолаш мезонлари ва 7-иловасига* мувофиқ Трамполин спорт тури

* 2 — 7-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бўйича номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовларни баҳолаш мезонларига асосан баҳоланади.

18. Номзоднинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари шу куннинг ўзида тегишлилиги бўйича мазкур Низомнинг 8-иловасига* мувофиқ шакллардаги Бадий гимнастика спорт туридан номзодлар томонидан бажарилган машқлар натижалари ва уларга қўйилган баллар бўйича қайднома, 9-иловасига* мувофиқ шакллардаги Спорт гимнастики спорт туридан номзодлар томонидан бажарилган машқлар натижалари ва уларга қўйилган баллар бўйича қайднома ва 10-иловасига* мувофиқ шаклдаги Трамполин спорт туридан номзодлар томонидан бажарилган машқлар натижалари ва уларга қўйилган баллар бўйича қайдномага киритилади.

Қайдномалар қабул комиссияси аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг котибига топширилади.

19. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижалари синов ўтказилган вақтдан бошлаб 1 кун ичида гимнастика мактабининг барча шахслар кириши ва кўриши мумкин бўлган жойлардаги эълонлар тахтасига осиб қўйиш орқали номзодлар эътиборига етказилади.

20. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган номзодлар гимнастика мактабида мавжуд бўш ўринларга тенг миқдорда ўқишга қабул қилинади.

21. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижаларига кўра ўқувчи-спортчиларнинг ўтиш баллари тенг бўлиб қолган тақдирда, спорт мусобақаларида эришган натижалари юқори бўлган ўқувчи-спортчилар гимнастика мактабига қабул қилинади.

22. Гимнастика мактабига қабул қилинган ўқувчилар қабул комиссиясининг баённомаси билан тасдиқланади. Қабул комиссиясининг баённомаси асосида гимнастика мактаби директори томонидан 27 августга қадар ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

23. Ўқувчи-спортчи гимнастика мактабига ўқишга қабул қилинганда, гимнастика мактаби директори томонидан ўқув йили бошлангунга қадар ўқувчини гимнастика мактабига яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасасига ўтказиш чоралари кўрилади, ўқувчи гимнастика мактабига яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасасида таълим олаётган ҳоллар бундан мустасно. Ўқувчини умумий ўрта таълим муассасасига ўтказиш Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2684, 2015 йил 17 июнь) асосан амалга оширилади.

24. Танловда иштирок этиш учун ҳужжатларини топширган номзодлар танлов натижаларига кўра гимнастика мактабига қабул қилинмаган ҳолларда, уларнинг спорт мусобақаларида эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда спорт паспорти ўқувчи-спортчининг ота-онасининг аризасига асосан қайтариб берилади.

* 8 — 10-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4-боб. Конкурс натижалари юзасидан берилган муaroжаатларни кўриб чиқиш

25. Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижаларидан норози бўлган номзодлар ёки уларнинг ота-оналари гимнастика мактаби директорининг буйруғи билан тузиладиган апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

26. Апелляция комиссияси таркибига қабул комиссия фаолиятида иштирок этмаган гимнастика мактаби ва Ўзбекистон Гимнастика федерацияси ходимлари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

27. Номзод жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижасидан норози бўлган тақдирда, Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 3 кун давомида апелляция бериши мумкин. Номзод ёки унинг ота-онаси томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 3 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

28. Номзоднинг апелляциясини кўриб чиқишда номзод ва унинг ота-онаси иштирок этиш ҳуқуқига эга.

29. Апелляция комиссияси номзоднинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда номзоднинг гимнастика мактабига қабул қилиниши ёки қабул қилинмаслиги кўрсатилади.

30. Апелляция комиссияси тегишли қарорнинг қабул комиссиясига ва номзодга етказилишини таъминлайди.

5-боб. Якуний қоидалар

31. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

32. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Гимнастика федерацияси билан келишилган.

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2019 йил 7 январь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2019 йил 7 январь

*Ўзбекистон Гимнастика
федерацияси Бош котиби*

А. УМАРАЛИЕВ

2019 йил 7 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

140 «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2362-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 ноябрдаги ПҚ-2654-сон «Ўзбекистон Республикасида спортнинг гимнастика турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 октябрдаги 789-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг 2012 йил 6 апрелдаги 345-сон «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2362, 2012 йил 14 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 221-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Гимнастика федерацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 январь,
1-мҳ-сон

Келишилган:

Халқ таълими вазири

Ш. ШЕРМАТОВ

2019 йил 7 январь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 18 февралда эълон қилинган.

*Соғлиқни сақлаш вазири**А. ШАДМАНОВ**2019 йил 7 январь**Ўзбекистон Гимнастика
федерацияси Бош котиби**А. УМАРАЛИЕВ**2019 йил 7 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

141 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш
ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар кири-
тиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-7*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги ПФ-5621-сон «Иқтисодий ривожланиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 28 январдаги ПФ-5643-сон «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4126-сон «Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2019 йил 2 февралдаги ПҚ-4151-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2014 йил 28 февралдаги 53-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ҳамда Ҳукумат баён-нома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 20 февраль,
65-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 20 февралдаги
65-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 68-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«68. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари:

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, саноат сиёсати, иқтисодиётнинг алоҳида соҳалари ва тармоқлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан;

ташқи савдо ва инвестициялар билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан;

ташқи сиёсий фаолият билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан;

Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан;

фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларига тааллуқли масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан;

Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти соҳасига кирувчи

масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан;

Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан;

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги фаолияти соҳасига кирувчи масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан;

адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан;

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга бевосита ёки билвосита таъсир қиладиган масалалар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар бўйича — Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан;

фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли масалалар бўйича — Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан келишилиши лозим.».

2. 69, 71¹, 71² ва 88-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. 115-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«115. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уни ўз кучини йўқотган деб топиш ушбу ҳужжатни қабул қилган орган томонидан ёхуд бунга ваколатли бошқа орган томонидан ушбу ҳужжат қабул қилинган тартибда амалга оширилади.

Бошқа вазирлик ва идоралар билан қўшма ҳолда қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шу вазирлик ва идоралар билан қўшма ҳолда ўзгартириш, қўшимчалар киритилади ёки ўз кучини йўқотган деб топилади.

Бир нечта вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар келишилган вазирлик ва идоралардан қайси бирининг манфаатларига ёки ваколатларига дахл қилса, ўша вазирлик ва идоралар билан келишилади.

Бошқа вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шу вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ўз кучини йўқотган деб топилади.

Агар идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар уни қабул қилишда иштирок этмаган вазирлик ва идоралар билан келишилиши лозим бўлса, бундай ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу вазирлик ва идоралар билан ҳам келишилиши лозим.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

142 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган
банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага
ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-17*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 16 мартдаги 7/2-сон қарори (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 18-сон, 229-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 февраль,
3/4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 февралдаги 3/4-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк
ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 2-бандда:

биринчи хатбошидаги «банк ҳисобварақларини» деган сўзлар «ҳисобварақларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

«г» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин;

саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. 3-банддан «, ссуда» деган сўз чиқариб ташлансин.

3. 8-банднинг иккинчи хатбошисидаги «резидент жисмоний шахслардан иборат бўлган юридик шахсни» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 8¹-банддаги «легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 8²-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8². Банклар Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳнинг (ФАТФ) талабларидан келиб чиқиб, ариза берувчиларни масофадан туриб идентификация қилиш учун зарур бўлган шарт-шароитлар мавжуд бўлганда таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резидентлари бўлган юридик шахсларга ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга уларни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнида миллий ва чет эл валютасидаги банк ҳисобварақларини масофадан туриб очиши мумкин.

Банк ҳисобварағини очиш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизимида жойлаштирилган банк ҳисобварағи шартнома офертасини акцептлаш йўли билан амалга оширилади.

Мазкур юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўловлар ушбу Йўриқноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда имзолар намуналари қўйилган икки дона варақча ҳамда улар номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) тақдим этилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатдан нусха олиниб, асли қайтариб берилади.».

6. 10-банднинг иккинчи хатбошисидан «иккиламчи ҳисобварақлар очилганлиги тўғрисидаги асосий ҳисобварағини очган банкка юборган хабарнинг нусхаси,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

7. 11-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Банкларда мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ, мижозларнинг ҳисобварақларини рўйхатга олиш китоби юритилади. Ушбу китоб электрон шаклда юритилади.».

8. 12, 13, 14, 16 ва 28-бандларнинг «а» кичик бандларидан «мазкур Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

9. 17-банднинг биринчи хатбошидаги «мазкур Йўриқноманинг 5-иловасида келтирилган шаклга мувофиқ» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

10. 18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18. Юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан асосий ҳисобвараққа хизмат кўрсатувчи банкда иккиламчи, жамғарма ва муддатли депозит ҳисобварақларини очиш учун ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза тақдим қилинади. Мазкур ариза электрон шаклда ҳам тақдим этилиши мумкин.».

11. 19-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

12. 22-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

13. 31-бандда:

«а» кичик бандидан «(2-илова)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

«в» кичик банддаги «легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

14. 44-бандда:

биринчи хатбошидаги «Далолатнома банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, асосий муҳр қўйилади» деган сўзлар «Далолатномага банк ваколатли ходимларининг имзолари ва банк муҳри қўйилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «тасдиқлаб, банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери томонидан имзоланиб, асосий муҳр қўйилади» деган сўзлар «тасдиқлаш учун банк ваколатли ходимларининг имзолари ва банк муҳри қўйилади» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

15. 45-банддаги «банк бошқарувчиси ва бош бухгалтери» деган сўзлар «банкнинг ваколатли ходимлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага 2 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага 3 ва 3а-иловалардаги «Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс» деган сўзлар «Банкнинг ваколатли ходими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага 4-иловадаги «Банкнинг бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари» деган сўзлар «Банкнинг ваколатли ходими» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

143 «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ва «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 401-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 февраль,
343-В-3-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 20 февралда эълон қилинган.

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғининг
биринчи ўринбосари**

У. МУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 февраль,
6-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 18 февралдаги 343-В-3 ва 6-сон қарорига
ИЛОВА

**«Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номи ва 1-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) номидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 1-бандда:

учинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошиларидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма иккинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 2-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 11-банднинг бешинчи хатбошисидаги, 21-банднинг биринчи хатбошисидаги, 34-банддаги, 36-банднинг ол-

тинчи ва еттинчи хатбошиларидаги, 43-банднинг биринчи хатбошисидаги, 47, 77, 79-бандларидаги, 92-банднинг биринчи хатбошисидаги ва 97-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 3-бандда:

ўнинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн бешинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн олтинчи хатбоши «фаолиятини молиялаштиришга» деган сўзлардан кейин «ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

е) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ж) 6-бандда:

бешинчи хатбошидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн учинчи хатбошидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

з) 20-банддаги «ва терроризмни молиялаштиришнинг» ва «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар тегишли равишда «, терроризмни молиялаштиришнинг ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришнинг» ва «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) қуйидаги мазмундаги 23¹-банд билан тўлдирилсин:

«23¹. Таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтиш жараёнида масофадан банк ҳисобварағини очиш учун ариза билан мурожаат қилганда, мазкур Қоидаларнинг 23-банди иккинчи хатбошида келтирилган миждозни лозим даражада текшириш бўйича кўриладиган чора-тадбирлар Давлат хизматлари марказлари (бундан буён матнда рўйхатдан ўтказувчи орган деб юритилади) томонидан амалга оширилиши ва тижорат банклари кўрилган чора-тадбирлар натижасига ишонишлари мумкин. Бунда тижорат банклари:

миждозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзаси-

дан зарур бўлган маълумотларни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлишига;

рўйхатдан ўтказувчи органнинг мижозларни лозим даражада текшириш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга амал қилинишига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Тижорат банклари мазкур банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган талаблардан бири бажарилмаган тақдирда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга оширади.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилганда, тижорат банклари мижоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчиликларидан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади. Бунда банк ҳисобварағи шартнома офертасида мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар тижорат банклари томонидан амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилиши лозим.»;

к) 33-банднинг учинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

л) 37-банднинг учинчи хатбошисидаги «легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

м) 45-банднинг тўртинчи хатбошиси «мавжуд бўлган» деган сўзлардан кейин «ҳамда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан амалга оширилган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

н) 49-банднинг ўн иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фаол террористик ҳаракатлар олиб борилаётган ҳудудларда бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали пул маблағларининг жўнатилиши ва олиниши (мамлакатлар ва ҳудудлар рўйхати махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим қилинади);»;

о) 54-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«54. Тижорат банклари таваккалчилик даражасини ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, ҳужжатлаштириш ва уни камайитириш бўйича тегишли чоралар кўриши керак.

Тижорат банклари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш юзасидан эҳтимол тутилган таваккалчиликларни ўрганишни, таҳлил қилишни ва аниқлашни ўз фаолиятида тизимли равишда, йилига камида бир марта амалга ошириши, ўрганиш натижаларини ҳужжатлар билан қайд этиши шарт.

Тижорат банки таваккалчиликлар тури ва даражасидан келиб чиққан

ҳолда таваккалчиликнинг умумий даражасини, унинг талаб қилинган пасайтириш даражасини аниқлаши ва тегишли чора-тадбирлар дастурини амалга ошириши керак.

Аниқланган таваккалчиликлар назорат қилишнинг кенгайтирилган ёки соддалаштирилган чораларини қўллаш ҳамда ресурсларни самарали тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини бериши керак.

Таваккалчилик даражаси мижознинг амалга оширадиган фаолият ва операциялари турларини, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар, мижозни лозим даражада текшириш натижаларини, таваккалчилик (мижозларнинг турлари ва фаолияти, банк маҳсулотлари ва хизматлари, уларни тақдим этиш каналлари, географик ҳудудлар бўйича ва бошқа) омилларини инобатга олган ҳолда маълумотларни, шу жумладан, мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида, масъул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

Мижозлар ва операциялар бўйича таваккалчиликларни ўрганиш, таҳлил қилиш, аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камаййтириш ва хужжатлаштириш бўйича тегишли чораларни кўриш тартиби тижорат банкининг ички қоидалари билан белгиланади.

Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этилиши керак.»;

п) 60-банднинг биринчи хатбошисидаги «ва (ёки) терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва (ёки) оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

р) 62-банднинг бешинчи хатбошисидаги «ва терроризмни молиялаштириш» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

с) 94-банддаги «легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни» деган сўзлар «легаллаштиришни, терроризмни молиялаштиришни ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги билан келишилган.

*Давлат хизматлари
агентлиги директори*

Х. ТУРАХУЖАЕВ

2019 йил 18 февраль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

144 Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3138*

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 январь,
68-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил
25 январдаги 68-сон буйруғига
ИЛОВА

Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

патологоанатом — патологик-анатомик тадқиқотларни ўтказувчи мутахассис;

биопсия — одам ҳаётлигида ундаги касалликка ташхис қўйиш мақсадида патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш;

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 февралда эълон қилинган.

аутопсия — даволаш-профилактика муассасаларида вафот этган шахсларнинг ўлим сабабларини аниқлаш мақсадида патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш.

2. Патологик-анатомик тадқиқотлар фақат патологоанатом томонидан ўтказилади.

3. Патологик-анатомик тадқиқотлар биопсия ва аутопсия усулларида амалга оширилади.

2-боб. Биопсия усулида патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш

4. Даволаш-профилактика муассасасида амбулатор ва стационар шароитда даволанаётган беморларга тўғри ташхис қўйиш ва уларни самарали даволаш мақсадида тегишлилиги бўйича Республика патологик-анатомия маркази, патологик-анатомия бўлимлари ҳамда ҳудудий патологик-анатомия бюрolariда (бундан буён матнда патологик-анатомия хизмати деб юритилади) биопсия усулида патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказилади.

5. Даволаш-профилактика муассасаларида амбулатор ва стационар шароитда даволанаётган беморлардан олинган биопсия материали ёки жарроҳлик амалиёти жараёнида олинган тўқима тегишли патологик-анатомия хизматига касалликни ҳужайравий даражада аниқлаш учун йўлланма асосида тақдим қилинганда уни патологик-анатомия хизматининг масъул ходими қабул қилиб олади.

6. Масъул ходим қабул қилиб олинган биопсия материали ёки жарроҳлик амалиёти жараёнида олинган тўқима ҳақидаги маълумотларни тақдим қилинган йўлланманинг тегишли қисмига ёзиб қўяди. Ушбу маълумотлар лаборант томонидан юритиладиган дафтарга ҳам қайд қилинади.

7. Патологоанатом патологик-анатомик тадқиқот ўтказиш учун тақдим этилган биопсия материали ёки жарроҳлик амалиёти жараёнида олинган тўқимадан микропрепарат тайёрлаш учун кесма олади.

8. Патологоанатом олинган кесмани микропрепарат тайёрлаш учун йўлланма асосида лабораторияга топширади.

9. Лабораториянинг масъул ходими топширилган кесмадан 10 кундан кўп бўлмаган муддатда микропрепарат тайёрлайди. Агар топширилган кесмадан микропрепарат тайёрлаш 10 кундан кўп бўлган муддатни талаб қилса, у ҳолда микропрепаратни тайёрлаётган масъул ходим патологоанатомни бу ҳақда хабардор қилиши зарур.

10. Лабораториянинг масъул ходими тайёрланган микропрепаратни шу куннинг ўзида патологоанатомга топшириши лозим.

11. Патологоанатом тайёрланган микропрепаратни микроскоп ёрдамида таҳлил қилади ва гистологик ташхис қўяди.

12. Патологоанатом томонидан қўйилган ташхис ва унга тегишли бошқа маълумотлар ҳақида йўлланманинг тегишли қисмига ёзув киритилади.

13. Йўлланмада кўрсатилган ташхис ва бошқа маълумотлар лаборант

томонидан юритиладиган дафтарга қайд этилади ва йўлланма тегишли даволаш-профилактика муассасасига юборилади.

3-боб. Аутопсия усулида патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш

14. Даволаш-профилактика муассасасида касаллик оқибатида вафот этган шахснинг мурдасида аутопсия усулида патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш тегишлилиги бўйича патологик-анатомия хизматларида амалга оширилади.

15. Патологик-анатомия хизмати масъул ходими мурдани қабул қилиб олишда унинг касаллик тарихида қайд этилган ташхисга асосан мурдани қабул қилиб олади. Бунда масъул ходим томонидан мурданинг ташқи кўри-ниши кўриқдан ўтказилади.

16. Патологоанатом патологик-анатомик тадқиқотини бошлашдан олдин мурданинг ташқи ҳолатини кўриқдан ўтказди. Кўриқдан ўтказиш жараёнида жароҳат ва синиш белгилари мавжудлиги аниқланмаса, патологоанатом тадқиқотни давом эттиради.

17. Кўриқдан ўтказиш жараёнида жароҳат ва синиш белгилари мавжудлиги аниқланган ҳолларда, патологоанатом мурдада патологик-анатомик тадқиқотини ўтказишни рад этади ва бу ҳақда патологик-анатомия хизмати раҳбарини хабардор қилади.

18. Патологоанатом мурданинг тегишли тана қисмини ёради ва мурданинг ички аъзоларини бирма-бир кўриқдан ўтказди.

19. Мурданинг ички аъзоларини кўриқдан ўтказишда гистологик тадқиқот учун ҳар бир ички органдан 1 сантиметрдан катта бўлмаган ҳажмдаги намуналар кесиб олинади. Агар даволаш-профилактика муассасасида вафот этган шахснинг касаллик тарихида у юқумли касалликлар оқибатида вафот этганлиги кўрсатилган бўлса, шунингдек, тадқиқотни ўтказаятган патологоанатом мурдада юқумли вирус ва микроблар мавжудлигига шубҳа қилган ҳолларда, вирусологик ва бактериологик текширув учун намуналар олинади.

20. Кесиб олинган намуналар шу вақтнинг ўзида тегишлилиги бўйича гистологик, вирусологик ёки бактериологик лабораторияга текшириш учун топширилади.

21. Топширилган намуналар тегишли лаборатория томонидан 7 кундан кўп бўлмаган муддатда лаборатор текширувдан ўтказилади. Агар топширилган намуналар лаборатор текшируви 7 кундан кўп бўлган муддатни талаб қилса, у ҳолда лаборатор текширувни амалга ошираётган масъул ходим патологоанатомни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши зарур.

22. Лаборатория ўтказилган лаборатор текширув якунланган вақтдан бошлаб 1 кун ичида текширув натижалари бўйича тегишли патологоанатомга ёзма равишда хулоса тақдим этиши лозим.

23. Патологоанатом томонидан шу вақтнинг ўзида Патологик-анатомик тадқиқоти баённомаси расмийлаштирилади.

24. Патологоанатом баённомада мурданинг ҳар бир орган ва тўқимала-

рида кузатилган морфологик ўзгаришлар ҳамда лаборатория текшируви учун олинган намуналар билан боғлиқ маълумотларни, шунингдек, мурданинг касаллик тарихидаги маълумотларни аниқ кўрсатиши шарт. Бунда патолого-анатом мурдага оид бошқа маълумотларни ҳам баённомага қўшимча сифатида киритиши мумкин.

25. Лаборатор текширув натижалари олингандан кейин патологоанатом томонидан таҳлил қилинади ҳамда ўтказилган патологик-анатомик тадқиқоти бўйича яқуний ташхис Патологик-анатомик тадқиқоти баённомасида расмийлаштирилади.

26. Баённома патологик-анатомик тадқиқотни ўтказган патологоанатом, мутахассислар ҳамда тегишли бўлим мудири томонидан имзоланади.

4-боб. Яқуний қоида

27. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ БУЙРУҒИ

145 Кripto-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 21 январдаги 16-сон буйруғи (рўйхат рақами 3127, 2019 йил 22 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2019 й., 10/19/3127/2525-сон) билан тасдиқланган Крип-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 22 февралда эълон қилинган.

то-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди еттинчи хатбошисидан «ва юридик шахснинг мухри билан» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Ушбу буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 февраль,
41-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

146 «Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2013-2

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги 784-сон «Саноат хавфсизлигини экспертизадан ўтказиш ва экспертиза хулосасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **қарор қиламан:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 9 сентябрдаги 172-сон «Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2013, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 41-сон, 446-модда);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2011 йил 6 январдаги 2-сон «Саноат хавфсизлиги экспертиза-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 23 февралда эълон қилинган.

сини амалга ошириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2013-1, 2011 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 йил, 1-2-сон, 19-модда).

2. Мазкур қарор Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис в. б.

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 февраль,
13/ЮБ-1-сон

Келишилган:

***Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири***

Ш. КУДБИЕВ

2019 йил 10 январь

***Фавқулодда вазиятлар
вазирининг биринчи ўринбосари***

А. ҚЎЛДОШЕВ

2019 йил 15 январь

Қурилиш вазири

А. ТУХТАЕВ

2019 йил 14 январь

***Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси раиси***

Б. ИСЛАМОВ

2019 йил 11 январь

***Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат қўмитаси
раисининг биринчи ўринбосари***

Н. ШАРИПОВ

2019 йил 9 январь

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги бош директори*

Д. САТТАРОВ

2019 йил 11 январь

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси*

Қ. РАФИКОВ

2019 йил 10 январь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 16 февралдан 22 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 2-мх-сон «Гимнастика бўйича республика ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар-ўсмирлар спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3137.

2. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 7 январдаги 1-мх-сон «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 18 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2362-1.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 20 февралдаги 65-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-7.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 февралдаги 3/4-сон «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-17.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 18 февралдаги 343-В-3, 6-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини

тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 20 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-3.

6. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 25 январдаги 68-сон «Патологик-анатомик тадқиқотлар ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3138.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2019 йил 18 февралдаги 41-сон «Крипто-биржалар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3127-1.

8. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 8 февралдаги 13/ЮБ-1-сон «Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 22 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2013-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирининг «Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захираси спорт мактабига ўқувчи-спортчиларни конкурс асосида танлаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ (рўйхат рақами 2362, 2012 йил 14 май).

Адлия вазирининг 2019 йил 18 февралдаги 64-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг «Саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2013, 2009 йил 8 октябрь), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2013-1, 2011 йил 13 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 22 февралдаги 70-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

